УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НАВОИЙ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

II-кисм

Навоий-2005

**“Фукаролик хукуки” фанидан ушбу маъруза матнлари тарих факультетининг “Миллий истиклол гояси: хукук ва маънавият асослари” булими талабаларига мулжалланган булиб, курсни тула узлаштиришга ёрдам беради.**

**Муаллиф: Н. Ш.Эшонкулова**
Укитувчи, хукукшунос

**Такризчи: Р. Худойбердиева**
хукукшунос, укитувчи

“Миллий истиклол гояси: хукук ва маънавият асослари” кафедраси йигилишида талабалар учун кулланма сифатида тавсия этилган

Навоий-2005 йил

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси Т.. “Узбекистон” 2003
2. Каримов И.А. “Узбекистон бозор мунособатларга утишнинг узига хос йули” Т.. “Узбекистон”
3. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 йил 5-8- сонлари.
4. Узбекистон Республикаси Хукуматининг карорлари туплами 2004 йил, 2005 йил
5. Узбекистон Республикаси Фукаролик кодекси Т.. “Адолат” 2003 йил
6. Узбекистон Республикаси Фукаролик хукуки Т.. “Адолат”2000 йил

М У Н Д А Р И Ж А:

1. Топширик шартномаси........................................
2. Воситачилик шартномаси...................................
3. Мол-мулкни ишончли бошкариш......................
4. Омонат саклаш шартноси хакида умумий коидалар............................................................
5. Сугурта...............................................................
6. Кимор ва гаров уйинларини утказиш...............

**1.Мавзу: Топширик шартномаси.**

**Режа.**

1. Топширик шартномасининг тушунчаси ва кулланиш сохаси.
2. Тарафларнинг хукук ва бурчлари.
3. Топширик шартномасининг бекор булиши.

Топширик шартномаси деб шундай шартномага айтиладики, бунга асосан бир тараф вакил, иккинчи тараф топширик берувчининг номидан ва унинг хисобидан муайян юридик харакатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим буйича хукук ва мажбуриятлар бевосита топширик берувчида вужудга келади. Агар топширикни бажарганлик хакида конун хужжатларида ёки топширик шартномасида назарда тутилган булса, топширик берувчи ишончли вакилга хак тулаши шарт (ФК нинг 818-моддаси).

Топширик вакил томонидан бир ёки бир неча муайян юридик харакатларни содир этиш хакида ёки топширик берувчининг ишлари унинг курсатмаларига мувофик юритилиши хакида берилиши мумкин.

Топширик шартномаси маълум шахс (шахслар) номидан маълум шахснинг (ёки шахсларнинг) вакиллик килиши тугрисидаги шартномадир. Бу шартномага биноан вакил топширик берувчи номидан ва унинг хисобига муайян юридик харакатларни килиш бурчини олганлиги сабабли вакилнинг узига берилган ваколат доирасига килинган барча ижобий, конуний харакатлари топширик берувчи учун бевосита хукук ва бурчлар вужудга келтиради. Вакилнинг узи эса учинчи шахслар билан тузилган битимлар юзасидан хеч кандай хукук ва бурчлар ололмайди.

Вакил алохида хукукларга эга буладиган топширик шарномаси буйича бир тараф топширик берувчи иккинчи тарафга – алохида хукукларга эга булган вакилга топширик берувчи номидан ва унинг хисобидан маълум сохада ёки маълум худудда топширик берувчи учун юридик ахамиятга эга булган хамма харакатларни содир этишни топширади.

Шартноманинг хукукий белгилари тугрисида шуни айтиш керакки, топширик шартномаси икки томонлама ва консенсуал шартномалар гурухига киради. Юкорида курсатилган таърифдан маълум булишича, топширик шартномаси вакилнинг хизмат учун хак тулаш шарти билан, шунингдек, хизмат текин бажарилиши назарда тутилиши мумкин.

Топширик тарафларнинг узаро ишончларига асосланиб тузиладиган шартнома булганлиги сабабли, у шахсий характерга эга булган шартнома хисобланади. Топширик берувчи учун вакилнинг ким булишлиги, яъни унинг шахси кандай мухим ахамиятга эна булса, вакил учун хам топширик берувчининг шахси шундай ахамиятга эгадир. Агар тарафлардан бири иккинчисига нисбатан уз ишончини окламаса (масалан, вакилнинг зарарига каратилган нотугри хатти-харакатлар килса), шартнома ахамиятини йукотади. Бинобарин, бундай шартноманинг келгусида сакланиши тарафларнинг манфаатига зиён етказиши мумкинлиги сабабли хар кайси тарафга шартномани исталган вактда бекор килиш хукуки берилади.

Топширик шартномаси фукаролар уртасида кенг равишда кулланиладиган шартномалардан бири булиб хисобланади. Ушбу шартномага биноан муомалага лаёкатли фукародан бошка бир фукарога муайян юридик харакатларни содир этишлиги учун топшириклар бериши, яъни уз номидан маълум юридик харакатлар килишни топшириши мумкин. Чунончи: уй-жой эгаси узига карашли мулкни бирон жойга кетиш муносабати учун идора этишни (масалан, турар жойни ижарага куйиш, таъмирлаш ва сотишни) бошка бировга топшириши мумкин. Фукаролар топширик шартномаси тузиш йули билан пул ё бошка моддий бойликларни юбориш ёки олиши, конун хужжатларига зид булмаган топширик хизматларни бажариши ёхуд суд ишларини юргизиши мумкин ва хоказо.

Топширик шарномаси ёзма шаклда тузилади.

Топширик шартномаси вакил топширик берувчининг номидан иш олиб боришга хакли буладиган муддатни курсатган ёки бундай муддатни курсатмаган холда тузилиши мумкин.

Юкорида таърифлардан маълум булишича, агар топширик шартномаси иккала тараф ёки улардан бирининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боглик булса, топширик берувчи шартномада бошка хол назарда тутилган булмаса, ишончли вакилга хак тулаши шарт. Бундан ташкари, хак тулаш назарда тутилган топширик шартномасида туланадиган хакнинг микдори ва уни тулаш хакидаги шартлар булмаса, хак ушбу Кодекс 356-моддасининг туртинчи кисмига мувофик шунга ухшаш хизматлар учун одатда кабул килинган нархлар буйича белгиланади ва топширик бажарилганидан кейин туланади.

Агарда вакил талаб килинган хамма харакатларни тегишли даражада малга оширган, бирок топширик у айбдор булмаган холда бажарилмай колган такдирда хам хак туланиши керак.
Бундан ташкари, тижорат вакили сифатида иш олиб борувчи ишончли шахс.

**ФКнинг 290-моддаси:** **Ушлаб колиш асослари.**

Карздорга ёки карздор курсатган шахсга топширилиши лозим булган ашёни саклаётган кредитор ушбу ашё хакини ёки у билан боглик чикимлар ва бошка зарарни кредиторга тулаш мажбуриятлари карздор томонидан муддатида бажарилмаган такдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга кадар ушлаб колишга хакли.

Гарчи ашёнинг хакини тулаш ёки унинг чикимларини ва бошка зарарни тулаш билан боглик булмаса-да, бирок тарафлари тадбиркорлар сифатида иш кураётган мажбуриятдан келиб чиккан талаблар хам ашёни ушлаб колиш билан таъминланиши мумкин.

Ашё кредитор эгалигига утганидан кейин унга булган хукуклар учинчи шахс томонидан олинганлигига карамасдан, кредитор уз кулидаги бу ашёни ушлаб колиши мумкин.

Агар шартномада бошка тартиб назарда тутилган булмаса, ушбу модданинг коидалари кулланилади.

Топширик шартномаси тузилгандан кейин муайян юридик харакат килиш учун вакилга одатда ишончнома (ишонч когози) берилади. Бу хужжат тарафлар уртасида ёзма шартномаси булганлигини билдиради ва вакилнинг учинчи шахслар хузурида харакат килинишини конунга мувофиклаштиради. Ишончнома вакилга берилган ишончнинг хажмига белгилайди, аммо топшириквинг мазмуни ишончномада булгиланмасдан, балки шартномада курсатилади. Ишончнома тугрисида дарсликнинг биринчи кисми 9-боби, Кодекснинг 134-144-моддаларида батафсил тухтаб утилди.
Топширик шартномасининг иштирокчилари—вакил ва топширик берувчилар муомалага лаёкатли фукаролар хамда юридик шахслар була оладилар. Истисно сифатида айрим холларда 16 ёшга тулиб, паспорт олган фукаро хам вакил булиши хамда ФК нинг 28-моддасига мувофик 16 ёшга тулган, вояга етмаган шахс мехнат шартномаси буйича ишлаётган булса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхудхомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган булса, у тула муомалага лаёкатли деб эълон килиниши мумкин.
Юридик шахс факат уз уставида назарда тутилган холларда ёки уз фаолиятининг характерига мувофик булгандагина фукароларнинг вакили ёк бошка шахснинг вакили сифатида харакат килиши мумкин.
Юридик шахс факат уз уставида назарда тутилган холларда ёки уз фаолиятининг характерига мувофик булгандагина фукароларнинг вакили ёки бошка шахснинг вакили сифатида характ килиши мумкин.
Топширик шартномасининг предмети вакил томонидан амалга ошириладиган муайян юридик харакатлар, чунончи, унинг томонидан тузиладиган конун хужжатларига зид булмган хилма-хил битимлар (шартномалар) хисобланади.
Топширикни бажариш юзасидан килинадиган баъзи юридик харакатлар: масалан, муайян маълумотларни олиш учун биронта ташкилотга бори шва шу кабилар мустакил характерга эга булганлиги ва факат ёрдамчи урин тутганлиги сабабли топширик шартномасининг предмети булла олмайди. Юридик ахамиятга эга булган харакатлар хар доим фукаролик хукуклари ва бурчларини вужудга келтириш, узгартириш ва бекор булиш буйича окибатлрани келтириб чикаради. Топширик шартномасининг предмети факат конун хужжатларига зид келмайдиган юридик харакатларгина булиши мумкин. Бинобарин, конун хужжатларига хилоф битим тузиш тугрисидаги топширик юридик кучга эга булмайди ва хакикий хисобланмайди.
Топширик икки томонлама шартнома булганлиги туфайли хар икки тарафда хам муайян хукук ва бурчлар булади. Вакилнинг бурчлари асосан тубандагилардан иборат:
***биринчидан,*** вакил узига берилган топширикни топширик берувчининг курсатмаларига мувофик бажариши шарт. Топширик берувчининг курсатмалари аник йул куйиладиган ва бажариладиган булмоги керак.

Агар бундай курсатмалар берилмаган булса, вакил топширик берувчининг манфаатларини кузлаб узи мустакил равишда харакат килишга хакли булади. Вакил коида буйича топширик берувчининг курсатмаларидан четга чика олмайди.
Аммо ишнинг холатларига кура, топширик берувчининг манфаатлари учун унинг курсатмаларидан четга чикиш зарур булса хамда вакил топширик берувчидан бу хакда олдиндан сурай олмаган ёхуд уз суровига макбул муддатга жавоб олмаган булса, у топширик берувчининг курсатмаларидан четга чикишга хакли. Бундай холларда вакил хабар бериш имкони тугилиши биланок йул куйилган четга чикишлар хакида топширик берувчига макбул муддатга хабар бериши шарт (ФКнинг 819-моддаси);
***иккинчидан,*** топширикни шахсан вакилнинг узи бажариши лозим (Ушбу Кодекснинг 822-моддасида курсатилган холлар бундан мустасно);
***учинчидан***, топширик берувчининг талабига мувофик, унга топширик кандай бажарилаётганлиги тугрисида маълумот бериб туриши;
***туртинчидан,*** топширикни бажариш учун тузилган битимлар буйича олинган хамма ашёни кечиктирмасдан топширик берувчига топшириши;
***бешинчидан***, топширик бажариб булингандан кейин амал килиш муддати тамом булмаган ишончномани кечиктирмасдан топширик берувчига кайтариб бериши ва агар шартнома шартларига ёки топширикнинг хусусиятига кура зарур булса, хисобот такдим этиб, унга исботловчи хужжатларни илова килиши шарт.
Агарда топширик шартномасида назарда тутилган булса ёки вакил топшири берувчининг манфаатларини химоя килиш максадида вазият такозоси билан мажбур булса, вакил топширикнинг бжарилишини бошка шахсга, яъни уринбосарига топширишга хакли. Бу куйидаги холларда содир булиши мумкин:
**биринчидан,** топширикни бажаришни бошна шахсга ишониб топширган вакил бу хакда дархол топширик берувчини хабардор килиши шарт;
**иккинчидан,** топширик берувчи вакил танлаган уринбосарни рад этишга хакли, лекин уринбосар номини топширик шартномасида келтирган холлар бундан мустасно;
**учинчидан,** агарда вакил уринбосарнинг номи шартномада курсатилган булса, вакил ишларниг уринбосар томонидан олиб борилиши учун жавобгар булмайди;
**туртинчидан,** агар ишларнинг уринбосар томонидан олиб борилиши топширик шарномасида назарда тутилган булса-ю, лекин уринбосарнинг номи унга курсатилган булмаса, вакил уринбосарнинг айбли харакатлари учун жавобгар булмайди;
**бешинчидан,** агар вакилнинг уринбосари томонидан иш юритилиши топширик шартномасида назарда тутилмаган булса, вакил уз уринбосаринингхар кандай харакатлари учун жавобгар булади.
Тубанда топширик берувчининг мажбуриятлари хусусида фикр юритамиз. Агарда топширик шартномасидабошкача тартиб назарда тутилган булмаса, топширик берувчи куйидагиларни бажариши:
***биринчидан***, вакилни топширикни бажариши учун зарур маблаглар билан таъминлаши;
***иккинчидан,*** вакил томонидан шартномага мувофик бажарилган барча ишларни кечиктирмасдан кабул килиши, топширикни бажариши юзасидан олинган барча пулларни, хужжатларни ва ашёларни вакилдан кабул килиб олиши;
***учинчидан***, агар шартномада ва конун хужжатларида бошкача хол курсатилмаган булса, вакилнинг топширикни бажариши учун килган зарур харажатларини тулаши, яъни вакилнинг йулкира харажатларини, юкни топшириш ва топширикни бажариши юзасидан килган бошка харажатларини тулаши лозим; бундай харажатлар вакил харакатининг муваффакиятли булиш-булмаслигидан катъи назар туланади.
***туртинчидан,*** топширик бажарилганидан кейин, агар конун хужжатларига ёки шартномада назарда тутилган булса, вакилга хак тулаши шарт (ФКнинг 818, 821-моддалари). Хизмат хакининг микдори амалда булган таксаларга хамда тарафларнинг узаро келишувларига мувофик равишда белгиланади.

Топширик шартномаси (мажбуриятларнинг бекор килинишига оид умумий асoслардан ташкари) куйидаги халларда: биринчидан, топширик берувчи топширикни бекор килиши; иккинчидан, вакилнинг топширикни бажаришдан бош тортиши; учинчидан, шартномада иштирок этаётган топширик берувчининг ёки вакилнинг вафот этиши, улардан бирининг муомалага лаёкатсиз булиб колиши ёки суд карорига биноан муомала лаёкатининг чекланиши ёхуд бедарак йуколган деб топилиши натижасида тухтатилади.
Топширик берувчи истаган вактда топширикни бекор килишга, вакил эса топширикдан бош тортишга хакли

**ФКнинг 824-моддаси. Топширик шартномасини бекор килиш окибатлари.**

Агар топширик шартномаси топширик вакил томонидан тулик бажарилишидан олдин бекор килинган булса, топширик берувчи вакилга топширикни бажариш вактида чикимларни тулаши, вакилга хак берилиши керак булганида эса, унга бажарилган ишга мувофик хак тулаши хам шарт. Бу коида вакил топширикнинг бекор килинганини билаган ёки билиши лозим булганидан кейин бажарган топширикка татбик этилмайди.

Топширик берувчининг бедарак йуколганлиги, вафот этганлиги ёки муомалага лаёкатсиз булиб колганлиги ёхуд муомалага лаёкатини чекланганлиги ёйинки юридик шахс булиб хисобланган топширик берувчи ташкилотнинг тугатилганлиги туфайли вакил топширик берувчининг манфаатларини кузлаб химоя килиш вазифаси конун хужжатларида белгиланган тартибда Бирон-бир шахсга масалан, васийга, хомийга ёки юридик шахсни тугатиш комиссиясига юклатилгунга кадар унинг ишини олиб боришга, топширигини адо этишга мажбур булади. Агар шартнома топширикнинг тула равишда ижро этилишига кадар топширик берувчи томонидан бекор килинган булса, топширикни бажарганлик учун хак тулаш белгиланган холда унинг томонидан бажарилган ишга яраша хак тулашга мажбур булади (ФКнинг 821, 823-моддалари).
Агар вакил топширик шартномасининг бекор килингани хакида билмаган ва билиши лозим булмаган булса, унинг топширик берувчининг курсатмаларига мувофик конуний равишда килган харакатлари топширик берувчи (унинг конуний вориси) зиммасига учинчи шахслар ва вакилга нисбатан мажбурият юклайди.
Топширик шартномасини бекор килиш окибатларига тухталадиган булсак, аввaламбор, топширик шартномаси топширик вакил томонидан тулик бажарилишидан олдин бекор килинган булса, топширик берувчи вакилга топширикни бажариш вактида килинган чикимларини тулаши, вакилнинг хак берилиши керак булганида эса унга бажарилган ишга мувофик хам хак тулаши шарт. Бу коида вакил топширикни бекор килганлигини билган ёки билиши лозим булганидан кейин бажарган топширикка тадбик этилмайди (ФКнинг 824-моддаси).
Агарда вакил вафот этган такдирда, унинг меросхурлари (ворислари) ёки мерос мулкининг сакланишини таъминлаш мажбурияти юклатилган бошка шахслар топширик шартномаси бекор килиниши хакида топширик берувчига кечиктирмай хабар беришлари хамда топширик берувчининг мол-мулкини мухофаза килиш учун зарур чораларни куришлари, хусусан, топширик берувчининг ашёларини, шунингдек, хужжатларини саклаб куйишлари сунгра эса унга топширишлари шарт. Вакил (ишончли вакил) булган юридик шахсни тугатаётган шахснинг зиммасида хам шундай мажбурият булади(ФКнинг 825-моддаси).
Вакил ( ишончли вакил) сифатида иш олиб бораётган юридик шахс кайта ташкил этилганида топширик берувчи бу хакда дархл хабардор килиниши керак. Мазкур холатда бундай юридик шахснинг хукук ва мажбуриятлари, агар топширик берувчи уттиз кунлик муддатда топширик шартномасидан бош тортишини маълум килмаса, унинг конуний ворисига утади.
Вакилнинг хукук ва мажбуриятлари шахсий характерда, яъни унинг шахси билан боглик булганлиги сабабли, унинг барча хукук ва мажбуриятлари ворисларига утмайди. Факат хизмат хаки ва килинган харажатларни олишга булган хукукларигина ворисларига утиши мумкин.

2.Мавзу: **Воситачилик шартномаси.**

**Режа.**

1. Воситачилик артномаси тушунчаси.
2. Воситачилик шартномаси буйича тарафларнинг хукук ва бурчлари
3. Воситачилик шартномасининг бекор булиши.

Воситачилик деб шундай шартномага айтиладики, бунга асосан бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириги буйича уз номидан, бирок комитент хисобидан бир ёки бир неча битимни хак эвазига тузиш мажбуриятини олади.

Мисол учун, фукаролар узарига тегишли булган хамда фукаролик муомаласида булган истеъмол килинадиган ва истеъмол килинмайдиган буюмларни воситачилик шартномаси тузи шоркали савдо операцияларини амалга оширилади.

Воситачилик шартномаси буйича (воситачи) савдо-сотик килинаётганда комитентнинг шахсан узи иштирокисиз учинчи шахслар билан бир неча хак эвазига шартномалар тузади.Воситачи комитентнинг топширигига биноан, унинг номидан харакат килади. Сотувчи (воситачи) мулк эгаси булмаган холла, учинчи шахслар билан буладиган муносабатларда тула хукукли тараф сифатида иштирок этади.

Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилади. Воситачилик шартномаси куп томонлари билан топширик шартномасига ухшайди. Масалан, Топширик шартномасида хам, Воситачилик шартномасида хам бажарувчи топширик берувчининг фойдасини кузлаб харакат килади. Топширик шартномаси буйича конунга зид булмаган харакатлар юзасидан топширик берувчининг берган топширигини вакил амалга оширса, Воситачилик шартномаси буйича воситачи факатгина фукаролик муомаласида булиши мумкин булган буюмлар юзасидан савдо-сотик килишда воситачилик килиши мумкин.

Бу шартномалар бир-биридан фарк хам килади.Чунончи, Топширик шартномаси хам текинга, хам хак бараваригa тузилиш мумкин булса, Воситачилик шартномаси факат хак эвазига тузилади. Бу шартномалар предмети билан хам фарк килади.

**ФКнинг 832-моддаси: Воситачилик шартномаси.**

Воситачилик шатномаси буйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириги буйича уз номидан, бирок комитент хисобидан бир ёки бир неча битимни хак эвазига тузиш мажбуриятини олади.Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим буйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш буйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган булса хам, воситачи хукукларга эга булади ва зиммасига мажбурият олади.

Воситачилик шартномаси муайян муддатга ёки амал килиш муддати курсатилмаган холда, кайси худудда бажарилиши курсатилган ёки курсатилмаган холда, комитент воситачига топширган комитентнинг манфаатларини кузлаб ва унинг хисобидан битим тузиш хукукини учинчи шахсларга бермаслик хакида мажбурият олган холда ёки бундай мажбуриятни олмаган холда, воситачилик нарсаси булган товарларнинг ассортименти хусусида шартлар куйилган ёки куйилмаган холда тузилиши мумкин.

Конун хужжатларида айрим турдаги воситачилик шартномасининг хусусиятлари назарда тутилган булиши мумкин.

Воситачилик шартномаси муайян муддатга ёки амал килиш муддати курсатилмаган холда, кайси худудда бажарилиши курсатилган ёки курсатилмаган холда, комитент воситачига топширган комитентнинг манфаатларини кузлаб ва унинг хисобидан битим тузиш хукукини учинчи шахсларга бермаслик хакида мажбурият олган холда ёки бундай мажбуриятни олмаган холда, воситачилик объекти булган товарларнинг ассортименти хусусида шартлар куйилган ёки куйилмаган холда хамда конун хужжатлари йул куйган бошка холларда тузилиши мумкин.

Воситачилик шартномасининг максади товарларни савдо-сотик килишда тарафларга кулайликлар яратиш, узига тегишли булмаган буюмлар Билан чекланмаган микдорда савдо-сотик килишда воситачиликка кенг имконият яратиб бериш хисобланади.

Бундан ташкари, воситачи Билан комитент уртасидаги воситачилик шартномасида комитент воситачигасавдо-сотикдан ташкари, пудрат, юк ташиш шартномаларини тузишни хам топшириши мумкин.

Воситачилик шартномасида бир томондан воситачи комитент фойдасига бир неча битимларни амалга ошириши лозим булса, иккинчи томондан комитент воситачига уз фойдаси учун килинган харакатларни мукофотлаш, хак тулаш ва шартномада курсатилган бошка харакатларни бажариш каби мажбуриятларни олади.

Воситачилик шартномаси буйича тарафлар уртасида товарларни кабул килиб олиш вактида содир этиладиган харакатлар квитанция ёки бошка хужжат расмийлаштирилиши оркали амалга оширилади, воситачига бериладиган мукофотлар микдори товарга куйилган нарх фоизидан келиб чиккан холд белгиланади. Воситачи кабул килиб олган товар туриб колган такдирда уни уч мартагача олдинги нархидан арзонлаштириш мумкин. Бу холат комитент Билан келишилган ёки келишилмасдан амалга оширилиши мумкин (агарда бу хакда шартномада кайд килинган булса). Бундан ташкари, воситачи нархни учинчи марта тушираётганда, албатта, комитентни чакириши ёки унинг розилигини олиши лозим. Комитент нархни учинчи марта туширишга Карши булиш хукукига эга булган холда куйилган буюм-ашёни кайтариб олишга хакли, бунда воситачининг саклаганлик хаклари ва харажатларини коплаши лозим.

Вуз фаолиятини савдо-сотик хакида кабул килинган конун хужжатлари доирасида амалга оширади. Жумладан, хар хил укотар куроллар, антиквар буюмлар, кимматбахо металл ва тошлардан килинган нарсаларни сотишда воситачилик килиш учун махсус рухсат олиши шарт.

Воситачилик шартномасининг томонлари булиб, воситачи ва комитент (буюм-ашёни сотишга топширган фукаро ёки ташкилот, корхона) булиши мумкин. Воситачи булиб, комитент фойдасига бир неча битимни тузувчи фукаро ёки ташкилот булиши мумкин. Хозирда воситачилик Билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга хакли булган хамда конун хужжатларида белгиланган тартибда кайд этилган субъектларгина шугулланишга хакли.

Воситачилик шартномасининг предмети савдо муомаласида воситачи хизматини курсатишдан иборат.

Воситачилик шртномаси икки тарафлама шартнома булганлиги туфайли тарафларнинг хар кайсиларида, яъни комитентда хам, воситачида хам муайян хукуклар ва бурчлар булади. Воситачи учинчи шахс Билан узи тузган битимдан келиб чикадиган хамма мажбуриятларни бажариши ва хамма хукукларни амалга ошириши шарт.

Воситачи уз зиммасига олган топширикни комитентнинг курсатмаларига мувофик, воситачилик шартномасида бундай курсатмалар булганда эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда куйиладиган бошка талабларга мувофик, комитент учун энг фойдали шартлар асосида бажариши лозим. Агар воситачи битимни комитент курсатганидан хам фойдалирок шартлар асосида тузган булса, кушимча фойда, башарти шартномада бошкача тартиб назарда тутилган булмаса, тарафлар уртасида баравар таксимланади (ФКнинг 834-моддаси 2-банди).

Комитент хисобидан учинчи шахс Билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмагани учун воситачи комитент олдида жавобгар булмайди, воситачи Ушбу шахсни танлашда зарур эхтиёткорлик килмаган ёки битимнинг бажарилишига кафолат берган (делькредере) холлар бундан мустасно.

Комитент хисобидан учинчи шахс Билан тузилган битим учинчи шахс Билан бажармаган такдирда, воситачи бу хакда дархол комитентга хабар бериши, зарур далил исботларни туплаши ва таъминлаши, шунингдек, комитентнинг талабига кура, бундай битим юзасидан хукукларни, талабларни бошка шахсга утказиш тугрисидаги коидаларга риоя килган холда (ФКнинг 313-317, 319, 320-моддалари) унга топшириши шарт.

Конун хужжатларида бошкача холат назарда тутилган булмаса, воситачи иш манфаатларини, шунингдек, комитент манфаатларини кузламасдан, комитент томонидан берилган курсатмалардан четга чикиши – тарафлар уртасида тузилган шартномани бузиш деб

курсатилади. Бинобарин, бунинг натижасида курилган зарар воситачи томонидан комитентга туланиши лозим.

Чунончи, воситачи комитент томонидан тайинланиб, узаро келишиб белгиланган ашёнинг сотиш бахосини узича комитент билан келишмасдан узгартира олмайди, акс холада, ашёнинг белгиланган нархи билан сотилиши бахоси уртасидаги фаркни комитентга тулашга мажбур булади.

Бундан ташкари, воситачилик шартномасида бошкача тартиб назарда тутилган булмаса, воситачи воситачилик шартномасини бажариш максадида бошка шахс билан кушма воситачилик шартномаси тузишга хакли булиб, кушма воситачининг харакатлари учун комитент олдида жавобгар булиб колаверади (ФКнинг 835-моддаси).

Кушма воситачилик шартномаси буйича воситачи кушма воситачига нисбатан комитент хукуклари ва мажбуриятларига эга булади.

Агар воситачилик шартномасида бошкача тартиб назарда тутилган булмаса, воситачилик шарномаси бекор килингунга кадар комитент воситачининг розилигисиз кушимча воситачи билан бевосита муносабатларга киришишга хакли эмас.

Комитентнинг бурчлари, асосан, тубандагича:

***биринчидан,*** комитент воситачи томонидан воситачилик шартномасига биноан бажарилган барча ишни, жумладан, комитент воситачилик топшириги юзасидан воситачи ижро этган хамма нарсани кабул килиб олишга мажбур;

***иккинчидан,*** комитент узи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни куриб чикиши ва бу мулкдан булган камчиликлар тугрисида уни дархол хабардор килиши лозим.

***учинчидан,*** комитент топширикни ижро этиш юзасидан воситачи томонидан учинчи шахс олдида олинган мажбуриятларидан уни озод килиши керак;

***туртинчидан,*** воситачи топширик ижро этилгандан сунг воситачига хизмат хаки тулашга мажбурдир. Агар воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан ижро этилиши учун уз зиммасига кафиллик олган булса, у холда бундай кафиллик учун хам воситачига алохида хак тулашга мажбур булади.

**ФКнинг 842-моддаси: Воситачилик топширигини бажариш учун килинган харажатларни коплаш.**

Комитент воситачилик хакини, тегишли холларда эса делькредере учун кушимча хакни хам тулашдан ташкари, воситачилик топширигини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни хам унга тулаши шарт.

Агар конун хужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошкача тартиб белгилаб куйилган булмаса, воситачи уз ихтиёрида булган комитентнинг мол-мулкини саклаш юзасидан килган харажатлари копланишига хакли эмас.

Воситачилик шартномасининг бекор булиши тугрисида шуни айтиш керакки, бу шартнома комитент томонидан хам, воситачи томонидан хам бекор килиниши мумкин. Воситачилик шартномаси шартнома юзасидан хар икки тарафнинг, яъни воситачи ва комитентнинг олган хукук ва мажбуриятлари шартноманинг ижро этилиши билан, шунингдек, топширикнинг комитент томонидан бекор килиниши ёки воситачининг топширикнинг ижро этишидан бош тортиши билан бекор булади.

ФКнинг 845-моддасида воситачилик шартномаси куйидаги холларда бекор килиниши курсатилган:

- комитент шартномани бажаришдан бош тортганлиги;
- воситачи шартномани бажаришдан бош тортганлиги;
- воситачи вафот этганлиги, у муомалага лаёкатсиз, лаёкати чекланган, бедарак йуколган ёки банкрот деб топилганлиги окибатида бекор килинади.

Бундан ташкари, воситачилик топширигининг комитент томонидан бекор килиниши.

**ФКнинг 843-моддаси: Воситачилик топширигининг комитент томонидан бекор килиниши.**

Комитент воситачига берган топширигини истаган вактида бекор килиб, воситачилик шартномасини бекор килишдан бош тортишга хакли. Бунда воситачининг топширик бекор килиниши муносабати Билан курган зарари умумий асосларда копланади.

Воситачилик шартномаси амал килиш муддати курсатилмаган холда тузилган такдирд комитент шартномани бекор килиши хакида, агар шартномада хабар килишнинг узокрок муддати назарда тутилган булмаса, камида уттиз кун олдин воситачини хабардор килиши шарт. Бундай холда комитент воситачига у шартнома бекор килингунча тузган битимлар учун хак тулаши, шунингдек, воситачи шартнома бекор булгунича килган харажатларни тулаши шарт.

Комитент муддати курсатилмай тузилган воситачилик шартномасининг бажаришдан истаган вактда бош тортишга хакли булиб, бу хакда воситачининг, агар шартномада узокрок муддат назарда тутилган булмаса, камида уттиз кун олдин забардор килади. Ушбу холатда воситачилик шартномаси бекор булгунча воситачи килган харажатларни унга тулаши шарт.

Воситачилик шартномасида воситачи муддати курсатилмасдан тузилган воситачилик шартномасини бжаришдан истаган вактда бош тортишга хакли булиб, бу хакда комитентни, агар хабардор килишнинг узокрок муддати шартномада кузда тутилган булмаса уттиз кундан кечиктирмадан хабардор килади. Воситачининг ушбу хабари ёзма равишда берилган булиши лозим. Комитент бу хабарни олгандан сунг яна икки хафта мобайнида шартнома уз кучини саклаб колади.

Бундай холда воситачи уз ихтиёридаги комитентнинг мол-мулки тулик сакланиши учун чоралар куриши шарт. Комитент воситачилик шартномаси бекор булгунча воситачининг ихтиёридаги мол-мулкни тасарруф килиши шарт. Агар у мана шу мажбуриятни бажармаса, воситачи мол-мулкни комитент учун мумкин кадар фойдали бахода сотишга хакли ёки комитент хисобидан саклаш учун топшириши хам мумкин. Бунда воситачи мол-мулкни комитентга нисбатан уз талабларини кондириш максадида хам сотиши мумкин.

Бундан ташкари, воситачилик шартномаси фукарони вафоти, бедарак йуколиши, улди деб эълон килиниши ёки юридик шахснинг тугатилиши окибатида хам бекор булади.

Воситачи юридик шахс кайта ташкил этилганда унинг воситачи сифатидаги хукук ва мажбуриятлари, башарти кайта ташкил этиш юз берганлиги хакидаги маълумотни олган кундан бошлаб уттиз кун ичида комитент шарномани бекор килганлиги хакида хабар бермаса, конуний ворисларига утади (ФКнинг 848-моддаси).

Комитент фукаро вафот этиши, у муомалага лаёкатсиз ёки муомалага лаёкати чекланган деб эътироф этилиши, бедарак йуколган деб эълон килиниши, шунингдек, комитент хисобланган юридик шахсни тугатилиши шартномани автоматик равишда бекор булишига олиб келмайди. Воситачи юкоридаги барча холатларда узига топширилган мажбуриятларни комитентнинг хукукий ворисларидан бошка курсатмалар олгунига кадар виждонан бажаришга мажбур булади.

3**Мавзу: Мол – мулкни ишончли бошкариш.**

**Режа.**

1. Мол-мулкни ишончли бошкаришнинг умумий коидалари.
2. Мол-мулкни ишончли бошкаришнинг мазмуни.
3. Мол-мулкни ишончли бошкарувчининг жавобгарлиги.

Мол-мулкни ишончли бошкариш шарномаси Узбекистон Республикаси фукаролик конунчилигида янги ташкил топган институтлардан бири булиб хисобланади, у амалдаги фукаролик кодексининг 849-861-моддаларида уз аксини топган.

Бизга маълумки, бу турдаги янги институтлар фукролик хукуки конунчилигида мукаддам ёритилмаганлиги ва хозирги бозор иктисодиёти муносабатларига утиш даврида янги мулкий муносабатларининг вужудга келиши окибатида ушбу институтни амалиётга кенг тадбик

килиш фукаролик хукукининг мухим вазифларидан бири булиб хисобланади, чунки бу институт бизга кадар инглиз-америка хукук тизимида траспинг номи билан кенг таркалган хукук институтларидан саналиб келган.
Мол-мулкни ишончли бошкариш шартномаси буйича бир тараф, яъни (бошкарувнинг муассиси) иккинчи тарафга – ишончли бошкарувчига мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошкарувга топширилади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошкарувни муассис ёки у курсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кузлаб бошкариш мажбуриятини олади. Аммо мол-мулкни ишончли бошкаришга топшириш бу мол-мулкка мулк хукукининг ишончли бошкарувига утишига олиб келмайди.
Ишончли бошкарувчи мол-мулкни ишончли бошкарар экан, ишончли бошкариш шартномасига мувофик, ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кузлаган холда, хар кандай юридик ва амалий харакатларни килишга хакли (ФКнинг 849-моддаси).
Мол-мулкн ишончли бошкариш куйидаги асосларда вужудга келади (жорий этилади):
- муассис билан ишончли бошкарувчи уртасида тузиладиган мол-мулкни ишончли бошкариш шартномаси;
- васиятнинг ижрочиси (ишончли бошкарувчи) тайинланган васиятнома;
- суд карори;
- васийлик ва хомийлик органи васийликка олинган шахс  мол-мулки устида васийлик белгилаш тугрисидаги карори;
- конун хужжатларида назарда тутилган бошка юридик фактлар (ФКнинг 850-моддаси).
Мол-мулкни ишончли бошкариш объекти ва субъектларига тухталадиган булсак,
**ФКнинг 851-моддаси:	Мол-мулкни ишончли бошкариш объекти.**
Ишончли бошкариш объектлари корхоналар ва бошка мол-мулк комплекслари, кучмас мулкка мансуб булган алохида объектлар, кимматли когозлар, алохида хукуклар  ва бошка мол-мулкдан иборат булиши мумкин.
Конунда кузда тутилган холларни истисно этганда, пул ишончли бошкаришнинг мустакил объекти була олмайди.
Хужалик юритувида ёки  оператив бошкарувда булган мол-мулк ишончли бошкарувга топширилиши мумкин эмас. Хужалик юритувида ёки оператив бошкарувда булган мол-мулк уни хужалик юритувида ёки оператив бошкарувда саклаб турган юридик шахс тугатилганидан ёки мол-мулкка хужалик бошкаруви ёки оператив бошкарув хукуки бекор килинганидан хамда у конунда назарда тутилган бошка асосларга кура мулкдорнинг ихтиёрига утганидан кейингина ишончли бошкарувга топширилиши мумкин.

Амалиётда мол-мулкни ишончли бошкариш, асосан икки хилдаги объектлар – кучар ва кучмас мулкларга нисбатан жорий килинади.
Ишончли бошкарувга берилаётган объектлар ичида мулкий мажмуалар нисбатан амалиётда учрайди. Маълумки, бошка объектларга нисбатан ушбу объектлар мол-мулкни ишончли бошкарувига купрок фойда олиш имкониятини беради.
Мол-мулкни ишончли бошкарув объекти булиб факатгина ашёлар эмас, балки алохида (мутлок) хукуклар хам булиши мумкин.
Бундай алохида хукуклар каторига интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкий хукуклар киради.
Фукаролик конун хужжатларига асосан куйидагилар мол-мулкни ишончли бошкариш муассислари булишлари мумкин;
мол-мулкни эгаси;
ер участкасига мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик килиш хукукига эга булган шахс;
ваколатли давлат органи давлат мулки булган мол-мулкка нисбатан;
мол-мулкка хужалик юритувчи хукуки асосида эгалик киладиган корхона – мулкдорнинг рухсати билан;

конунда назарда тутилган холларда нотариус, васийлик ва хомийлик органи, суд ёки бошка ваколатли орган.
Конун буйича фукаро хам, юридик шахс хам ишончли бошкарувчи булишлари мумкин. Мол-мулк давлат органига ишончли бошкарувга берилиши мумкин эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга хакли булмаган шахслар хам ишончли бошкарувчи була олмайдилар. Ишончли бошкарувчи факат уз розилиги билангина тайинланиши мумкин.
Ишончли бошкарувчидан ташкари, хар кандай шахс фойда олувчи булиши мумкин. Мол-мулкни ишончли бошкариш шартномаси амалдаги конун талабларига мувофик, тарафларнинг узаро келишувига асосан, ёзма шаклда тузилади.
Кучмас мол-мулкни ишончли бошкаришга топширишда тарафлар уртасида ёзма равишда тузиладиган шартнома давлат руйхатидан утказилиши шарт, ишончли бошкарувга топширилаётган мол-мулклар албатта топшириш ва кабул килиш хакида тузилган далолатнома асосида амалга оширилиши мумкин. Ушбу коидаларга риоя килмаслик бундай шартномаларнинг хакикий эмаслигига сабаб булади.
Бундан ташкари, фукаролик кодексининг 853-моддаси талабига кура, мол-мулкни ишончли бошкариш шартномасида куйидагилар назарда тутилиши керак:
шартнома буйича ишончли бошкаришга бериладиган мол-мулк руйхати;
фойда олувчи тугрисидаги курсатма;
ишончли бошкарувчининг хисоботлар такдим этиш муддатлари;
ишончли бошкариш бекор килинган такдирда мол-мулкни оладиган шахс;
агар хак тулаш шартномада назарда тутилган булса, ишончли бошкарувчига туланадиган хакнинг микдори ва шакли.
Ушбу шартлар булмаган такдирда шартнома тузилмаган хисобланади.
Мол-мулкни ишончли бошкариш шартномаси беш йилдан ортик булмаган муддатга тузилади.
Шартноманинг амал килиш муддати тамом булганида, тарафлардан бирининг шартномани бекор килиш тугрисидаги аризаси булмаса, шартнома унда назарда тутилган муддатга ва шартлар асосида узайтирилган деб хисобланади. Бундан ташкари ишончли бошкаришга топшириладиган айрим турдаги мол-мулклар учун конунда шартнома амал килишининг бошка энг куп муддатлари хам белгилаб куйилиши мумкин.
Амалдаги конун талабларига кура, ишончли бошкарувчининг хукук ва мажбуриятлари куйидагилардан иборат:
Ишончли бошкарувчи конунда ва мол-мулкни ишончли бошкариш шартномасида назарда тутилган доирада ишончли бошкаришга топширилган мол-мулкка нисбатан мулкдор хукукларини амалга оширади.
Ишончли бошкарувчи мол-мулкни бошкариш сохасидаги харакатларини амалга ошириш натижасида кулга киритилган ана шундай мол-мулк таркибига киритилади. Ишончли бошкарувчининг ана шундай харакатларини амалга ошириши натижасида вужудга келган мажбуриятлар шу мол-мулк хисобидан бошкарилади.
Ишончли бошкарувчи бошкарувга топширилган кучмас мол-мулкни бошка шахсга берилишини ва гаровга куйишни факат бу хол мол-мулкни ишончли бошкариш шартномасида назарда тутилган холлардагина амалга оширишга хакли.
Ишончли бошкарувда булган мол-мулкка хукукларни химоя килиш учун ишончли бошкарувчи узининг хукуклари хар кандай бузилишдан химоя килишдан, уларни бартараф этилишини талаб килиш хукукларига эга (ФКнинг 228,229,232-моддалари).
Ишончли бошкарувчи бошкарувнинг муассисига ва фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошкариш шартномаси билан белгиланган муддатларда ва тартибда уз фаолияти тугрисида хисобот такдим этиб туради.
Мол-мулкни ишончли бошкарувга беришда бошкарувчининг шахсига нисбатан хам талаблар шартномада кузда тутилиши мумкин (масалан, тадбиркорликка кобилиятли, билим даражаси, ихтисоси ва бошка жихатлари).

**ФКнинг 858-модаси: Мол-мулкни ишончли бошкаришни бошка шахсга бериш.**

Ишончли бошкарувчи мол-мулкни шахсан узи бошкаради, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи кисмларида назарда тутилган холлар бундан мустасно.
Ишончли бошкарувчи бошка шахсга ишончли бошкарувчи номидан мол-мулкни бошкариш учун зарур булган харакатларни амалга оширишни топшириши мумкин, башарти унга мол-мулкни ишончли бошкариш шартномасида ана шундай ваколат берилган булса ёки у бунга муассиснинг ёзма розилигини олган булса, ёхуд бошкарув муассиснинг ёки фойда олувчининг манфаатларини таъминлаш учун вазият таозоси билан бунга мажбур булса ва бунда бошкарув муассисининг курсатмаларини окилона муддатда олиш имконига эга булмаса.
Ишончли бошкарувчи узи танлаган ишончли вакилнинг харакатлари учун узининг харакатлари каби жавобгар булади.

Мол-мулкни ишончли бошкариш муассиси шартномада кузда тутилганидек, ишончли бошкарувчининг фаолияти юзасидан назоратни амалга оширишга хакли, лекин у бошкарувчининг тезкор, ички хужалик юритувчи фаолиятига аралашмаслиги лозим. Муассис мол-мулк бошкарувчидан шартномада курсатилган муддатларда зарур хисоботларни талаб килишга хакли, агар бундай муддатлар шартномада курсатилмаган булса, хисобот томонларнинг макбул келишувлари билан белгиланган муддатларда топширилиши лозим.
Муассис ишончли бошкарувчисидан, мол-мулкни бошкариш жараёнида олинган фойда ва бошка тушумлрни муассисга беришни талаб килишга хакли (агарда шартномада бошка холатлар назарда тутилмаган булса).
Мол-мулкни ишончли бошкариш пайтида фойда олувчининг ёки бошкарув муассисининг манфаатлари тугрисида етарли гамхурлик килмаган ишончли бошкарувчи фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошкариш вактида бой берилган фойдани, бошкарув муассисига эса мол-мулкни йукотиш ёки унга шикаст етказиш Билан келтирилган зарарни, шунингдек, бой берилган фойдани тулайди.
Агар ишончли бошкарувчи Ушбу зарарни енгиб булмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошкарув муассисиниг харакатлари туфайли келиб чикканлигини исбот килиб бера олмаса, етказилган зарар учун жавобгар булади.
Ишончли бошкрувчи узига берилган ваколатлардан четга чиккан ёки узи учун белгилаб укйилган челашларни бузган холда тузган битим буйича мажбуриятларни ишончли бошкарувчи шахсан узи бажаради. Агар битимда катнашувчи учинчи шахслар ваколатлардан четга чикканлигини ёки белгилаб куйилган чеклашларни билмаган булсалар ёки билишлари мумкин булмаган булса, вужудга келган мажбуриятлар буйича карзлар ишончли бошкарувга топширилган мол-мулк хисобидан туланади. Ушбу мол-мулк етарли булмаган такдирдаундирув ишончи бошкарувчининг мол-мулкига, унинг мол-мулки хам етарли булмаганида эса, бошкарув муассисининг ишончли бошкаришиг топширилмаган мол-мулкига каратилиши мумкин. Айни вактда, муассис ишончли бошкарувчига нисбатан регресс даъво хукукига эга.
Агар муассис мол-мулкни ишончли бошкарувчига шартнома асосида ишончли бошкарувга топширгунига кадар давлат ва бошка шахслар олдида карздор булган такдирда бу карзларни ундиришда белгиланган тартибда ушбу мол-мулкка каратилиши мумкин (ФКнинг 859-моддаси, 4-кисми).
Мол-мулкни ишончли бошкариш шартномаси уни тегишли суратда бажармаслик туфайли бошкарув муассисига ёки фойда олувчига етказилиши мумкин булган зарарнинг урнини коплашни таъминлаш учун ишончли бошкарувчининг гаров беришини назарда тутиши мумкин.
ФКнинг 861-моддаси: Мол-мулкни ишончли бошкариш шартномаси куйдаги холларда бекор булади:

- тарафлардан бирининг шартнома муддати тугаши муносабати билан шартномани бекор килиш тугрисидаги аризасига мувофик;
- агар шартномада бошка холл назарда тутилмаган булмаса, фойда олувчи фукаронинг вафот этиши; фойда олувчи юридик шахснинг тугатилиши муносабати билан;

- ишончли бошкарувчи фукаро вафот этганида,у муомалага лаёкатсиз, муомала лаёкати чекланган ёки бедарак йуколган деб хисобланганида, шунингдек, икки тадбиркор банкрот деб топилганида;

- ишончли бошкарувчи юридик шахс тугатилганида, у ночор (банкрот) деб топилганда;

- фойда олувчи, агар шартномада бошкача тартиб назарда тутилган булмаса,шартнома буйича фойдани олишдан бош тортганида;

- ишончли бошкарувчи ёки бошкарув муассиси ишончли бошкарувчи учун мол-мулкни бошкариш шахсан амалга ошириш мумкин эмаслиги муносабати билан бошкарувни амалга оширишдан бош тортганида;

- бошкарув муассиси ишончли бошкарувчига шартномага келишилган хакни тулаган холда, ФКнинг 861-модаси 4-бандида курсатилганидан бошка сабабларга кура шартномани бажаришдан бош торганида;

- ишончли бошкарувчи узининг мажбуриятларини тегишли даражада бажармаган такдирда шартнома суднинг карорига мувофик бекор килинганида;

- конунда ёки бошка шартномада назарда тутилган бошка асосларга кура бекор килиниши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошкариш шартномаси тарафлардан биринингташаббуси билан бекор килганида иккинчи тараф агар шартномада муддат белгиланган булмаса, камида уч ой олдин бундан хабардор килиб куйилиши керак (ФКнинг 861-моддаси).

## 4Мавзу: Комплекс тадбиркорлик лицензияси (Франшизинг).

**Режа.**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг).
2.Патент конунчилиги.
3Лицензиарнинг мажбуриятлари.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси буйича бир тараф (комплекс лицензиар) иккинчи тараф (комлекс лицензиат) га хак эвазига лицензияларнинг фирма номидан хамда курикланадиган ахборотидан, шунингдек, шартномада назарда тутилган мутлак хукукларга кирувчи бошка объектлардан (товар белгиси, хизмат курсатиш белгиси ва ихтиролар хамда бошкалардан) лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш хукукини уз ичига оладиган мутлок хукуклар

## 5Мавзу: Омонат саклаш шартномаси хакида умумий коидалар.

**Режа.**

1. Омонат саклаш шартномасининг тушунчаси.
2. Омонат саклаш шартномасининг турлари.
3. Тарафларнинг хукук ва бурчлари.

Омонат саклаш шартномаси деб шундай шарномага айтиладики, бунга асосан бир тараф (омонат сакловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни саклаш ва бу ашёни Тула холида кайтариш мажбуриятини олади.

Омонат саклаш шартномасининг хукукий белгилари, асосан, тубандагича:

***биринчидан,*** омонат саклаш реал шартнома булиб хисобланади, чунки ашёнинг омонат саклаш юзасидан тарафлар уртасида хукук ва бурчлар омонат нарсанинг иккинчи тарафга топширилиши

пайтидан эътиборан вужудга келади. Агар ашёни омонат саклаш шартномаси уз касб фаолиятининг максадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессионал омонат сакловчи) ёки юридик шахслар уртасида тузилса, омонат саклаш шартномаси консенсуал ва икки тарафлама шартномалар гуруппасига таалукли булади, чунки бундай шартнома буйича омонат саклашга куювчида ашёни омонат саклашга куйиш ва иккинчи тарафда, яъни омонат сакловчида ашёни кабул килиш бурчлари шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади;

***иккинчидан,*** омонат саклаш шартномаси буйича омонат сакловчига одатда, субъектив мулк хукукининг факат бир унсуригина, яъни мулкни эгаллаш хукукигина утади;

***учинчидан,*** омонат саклаш шартномаси конун хужжатлари ёки шартнома Билан бошкача хол белгиланмаган булса, текинга тузиладиган шартнома деб фараз килинади ва бундай холда у бир томонлама шартнома булиб хисобланади;

***туртинчидан,*** омонат саклаш шартномасининг асосий максади омонат нарсасини саклаш ва кейинчалик бутун холда кайтришдан иборат.

Омонат саклашни тадбиркорлик ёки бошка профессионал фаолият сифтида амалга оширадиган омонат сакловчи омонат саклаш шартномаси буйича уз зиммасига юк ташувчиниг ашёларини саклашга кабул килиш ва юк топширувчи берган нарсаларни ФКнинг 876-моддасида назарда тутилган коидаларга мувофик саклаш мажбуриятини олиш мумкин. Бундан ташкари,омонат саклаш шартномаси буйича ашёни саклашга кабул килиш мажбуриятини олган омонат сакловчи бу ашёни саклаш учун узига беришни талаб килишга хакли эмас, бирок ашёни омонат саклаш шартномасида назарда тутилган муддатда саклашга топширмаган юк топширувчи, агар конун хужжатларида ёки шартномада бошкача тартиб назарда тутилган булмаса, ашёни саклашга топширмаганлиги муносабати билан етказилган зарар учун омонат сакловчи олдида жавобгар булади.

Энг мухими ашёни, агар унинг хусусиятлари имкони булса, топширилмаган вактдаги холатидан узгартма саклаш вазифаси – шартномада асосий максад килиб куйилади. Омонат саклаш шартномасининг объекти булган ашёни саклаш вазифаси бошка шартномаларда хам учраб туради. Масалан, сотувчи сотилган молларни саклаши, яъни мулк хукуки ёки бошка ашёвий хукук мол-мулкни топширишдан олдин сотиб олувчига утган холларда сотувчи мол-мулкнинг ёмонлашига йул куймай, уни топширгунга кадар саклаши шарт. Агарда мол-мулкни саклаш учун килинадиган зарур чикимларни, агар тарафларнинг келишувида бошкача тартиб назарда тутилган булмаса сотиб олувчи сотувчига тулаши шарт (ФКнинг 391-моддаси).

**ФКнинг 641-моддаси: Буюртмачи берилган мол-мулкнинг сакланмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги.**

Пудрат шартномасини бажариш муносабати билан буюрмачи берган материал, ускуна, кайта ишлашга (ишлов беришга) топширилган ашё ва пудратчи ихтиёрига утган бошка мол-мулк сакланмаганлиги учун пудратчи жавобгар булади.

Лекин бундай холларда омонат шартномаси бошка шартномаларга нисбатанкамрок кулланилар эди, лекин хозирги бозор иктисодиёти шароитларида, мулкчиликнинг янги шакллари юзага келиши билан бундай муносабат учун хам эхтиёж ошиб бормокда.

Хозирги омонатсаклашнинг янги-янги турлари пайдо булади. Масалан, товар омборида омонат саклаш, ашёларни тарнспорт ташкилотларини корхонларида саклаш, бойликларни банкда саклаш (кимматбахо металлар ва тошларни, хужжатларни саклаш) ва бошкалар.

Омонат саклаш шартномаси фукаро ва юридик шахсларни зарурий эхтиёжларини кондириш учун кулланилади. Жумладан, ломбардда омонат саклаш учун фукаролардан шахсий истеъмолига мулжалланган кучар ашёлар кабул килиниши мумкин (ФКнинг 894-моддаси). Бойликларни банкда саклаш шартномасига мувофик, банк кимматли когозларни, кимматбахо металлар ва тошларни, бошка бойликларни, шунингдек, хужжатларни саклаш учун кабул килиши мумкин (ФКнинг 896-моддаси). Ашёларни транспорт ташкилотларини корхоналарида саклаш шартномасига мувофик, транспорт ташкилотларининг ихтиёридаги юк хоналар йуловчилар ва

бошка фукаролардан, улардан йул хужжатлари бор ёки йуклигидан катъий назар ашёларни саклаш учун топширади (ФКнинг 897-моддаси). Ашёни ташкилотларнинг кийимхоналарида ашёларни хак эвазига саклаш хакида ашёнинг саклашга топшириш хакида келишиб куйилган ёки бошка очик усулда шартлашилган булмаса, уларда ашёни саклаш бепул хисобланади (ФКнинг 898-моддаси). Ашёни мехмонхонада саклашда мехмонхонада яшаётган шахс томонидан олиб кирилган ашёларни йуколганлиги, кам чикканлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сакловчи сифатида алохида келишув булмаган такдирда хам жавоб беради. Ашёни енгиб булмайдиган куч, ашёнинг уз хоссалари окибатида ёки мехмонхонада яшовчининг узи, унинг хамрохлари ёки унинг ёнига келган шахслар айби билан йуколган кам чиккан ёки шикастланган холлар бундан мустаснодир (ФКнинг 899-моддаси). Бундан ташкари, тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни саклайдиган ва саклаш билан боглик хизматларни курсатадиган ташкилот товар омбори дейилади (ФКнинг 901-моддаси).

Амалиётда ушбу муносабатларга ухшаш лекин мазмунан нихоятда фарк киладиган, жумладан, каровсиз ёки адашган чорва моллари тугрисидаги коидалар (ФКнинг 195-моддаси) га мувофик, бундай чорва моллари ёхуд бошка каровсиз уй хайвонлари ёки кулга ургатилган хайвонлар топилганда ёки адашганда вактинча саклаш, бокиш ва фойдаланиш учун якиндаги хужалик ёки жамоаларга топширилади. Чорва моллари ва хайвонларни вактинча саклаш хайвонни то эгаси топилгунча асрашдан иборат булиб, омонат саклаш шартномасига асосланмасдан, балки конун хужжатлари билан белгиланадиган мажбуриятнинг бир хилини ташкил этади.

Омонат саклаш шартномасига доир асосий коидалар ФКнинг 875, 913-моддаларида берилган. Омонат саклашнинг айрим турларини тартибга соладиган бир канча низомлар мавжуд. Масалан, музхоналарда озик-овкат саклаш муносабатлари Узбекистон Рееспубликасининг Озик-овкат саноати давлат комитети томонидан музхона омборлари тугрисида чикарилган низомда курсатилган. Ломбардларда буюмларни омонат тарикасида саклаш иши ломбарднинг намунавий уставига асосан амалга оширилади. Кул юкларидаги коидалар ва багажларни саклаш камераларидан фойдаланиш тугрисидаги коидалар Узбекистон Транспорт акционерлик корпаратцияси томонидан кабул килинган расмий кулланмаларда белгилаб куйилган. Юклар темир йулларга карашли жойларда саклаш учун топширилганда, колдирилганда уларнинг тула-тукис сакланиши учун темир йул муассасаси жавобгар булишлиги хакида Узбекистон Рееспубликаси темир йуллари уставида курсатилган. Омонат саклаш шартномаси ёзма равишда тузилиши керак булган холларда (ФКнинг 108-моддаси) агар ашёнинг саклашга кабул килинганлиги омонат сакловчи томонидан юк топширувчига саклаш тилхати, паттаси, гувохномаси, омонат сакловчи инсонларга бошка хужжатни бериш йули билан тасдикланган булса, шартноманинг ёзма шаклига риоя килинган хисобланади.

ФКнинг 877-моддаси 2-кисмига мувофик, агар ашё саклаш учун фавкулодда холатларда (ёнгин, табиий офат, тусатдан касал булиш, хужум хавфи…) топширилган булса, шартномани ёзма шаклига риоя килиш талаб этилмайди. Бундан ташкари омонат саклаш шартномаси омонат сакловчи томонидан юк топширувчига, агар бунга конун хужжатларига йул куйилса ёки у саклашнинг ушбу тури учун одатдаги хол булса, ашё саклаш учун кабул килинганлигини тасдиклайдиган номерли житон (номер) ёки электрон пласмассалар ва бошка белги бериш йули билан тузилиши мумкин.

Фукаролик хукукида омонат саклаш шартномасининг бир неча турлари хужжатлар ва коидалар билан тартибга солинади. Омонат саклаш шартномаси оддий омонат ва махсус омонат турларига булинади. Оддий омонат саклаш омонат саклашнинг умумий коидалари (ФКнинг 875-893-моддалари) ни куллашнинг узи кифоя килади. Омонатни саклашнинг махсус турига товар омборларида, ломбардларда, банкларда, транспорт корхоналарининг юкхоналарида, кийимхоналарда, мехмонхоналарда, секвестр (низоли ашёларни) омонат саклаш киради. Бундан ташкари омонат саклашнинг махсус турига маданий бойликларни, музейга тегишли булган бойликлар ва бошкаларни омонат саклаш уз хусусиятларига эга. Буларни саклашнинг хар бирида уклланиладиган омонат саклаш хизмати фаолияти бир-биридан ажралиб туради.

Омонат саклашга маълум бир ашёлар маълум бир турдаги ашёларни худди уша ашёнинг узини кайтариш кафолати Билан топширилади. Бундан ташкари, мева-сабзавотларни саклаш учун омонат саклаш шартномаси тузилади.
Ашёларда оддий ва фавкулодда омонат саклаш шартномалари тузилиши мумкин.
Фукаролик обороти булган оддий шароитда омонат саклаш шартномаси тузиш мумкин.
Айрим холларда фукаролик оборотида булган ашёларни фавкулодда омонат саклаш шартномаси ёзма турини тузмасдан хам топшириш мумкин. Масалан, табиий офатлар, харбий холатлар, кутилмаган касалликлар ва бошка холларда.
Омонат саклаш шартномасида катнашувчи тарафлар ва шартнома предмети, юкорида айтилганидек, омонат муомаласида иштирок этувчи тарафлар – фукаролар ва юридик шахс хисобланган ташкилотлар булади. Умуман олганда омонат саклаш шартномасида иштирок этувчи фукаролар муомалага лаёкатли булишлари талаб килинади. Лекин баъзи холларда омонат куювчилар муомалага лаёкатсиз булганларида хам омонат саклаш шартномаси тузилган деб хисобланиши мумкин.
Бирок бундай холда шартномада омонат куювчининг манфаатларига риоя килинган булиши шарт.
Ташкилотлар узларининг устав (низом)ларида назарда тутилган холлардагина омонат саклаш фаолияти билан шугулланишлари мумкин.
Жисмоний хусусиятлари жихатидан омонат сакловчининг ихтиёридаги бинога ёки худудга жойлаштирилиши мумкин булган буюмларгина омонат саклаш шартномасининг предмети булла олади. Шу сабабли кучмас мол-мулк ва хажми улкан объектлар буйича омонат саклаш шартномаси тузилиши мумкин эмас. Бундай объектни куриклаш иши коровуллар ваш у кабилар билан мехнат шартномаси тузиш асосида амалга оширилади.
Саканиши конун хужжатлари билан такикланган нарсалар – корадори, захарли моддалар, хар хил укотар куроллар ва хоказолар омонат саклаш шартномасининг предмети булиши мумкин эмас.
Омонат тарикасида куйилган нарсаларнинг айнан узи саклаш муддати тугаганидан кейин ёки талаб килиниши билан эгасига кайтариб берилиши керак.
**ФКнинг 878-моддаси: Омонат саклаш муддати.**
Омонат сакловчи ашёни шартномада келишилган муддат давомида саклаши шарт. Агар шартномада саклаш муддати назарда тутилган булмаса ва уни шартноманинг шартларига караб аниклаш мумкин булмаса, ашё юк топширган шахс томонидан талаб килиб олингунча сакланади.
Агар саклаш муддати ашёни юк топширган шахс томонидан талаб килиб олиш пайтигача килиб белгиланган булса, омонат сакловчи бундай вазиятларда одат булган ашёни саклаш муддати тугагач, ашёнинг юк топширган шахс томонидан кайтариб олинишини талаб килиб олишга хакли булиб, ашёни топширган шахсга уни кабул килиб олиш учун окилона муддат беради.

Амалиётда ашёларни эгасизлантириб сакланганида саклаш учун кабул килинган ашёлар бошка юк топширувчиларнинг шунга ухшаш ва шундай сифатли ашёлари билан аралаштириб юбориши мумкин. Масалан, огирлик ва улчов билан белгиланадиган донни элеваторларда омонат саклаш, турли шахсларга карашли булган бир хилдаги буюмларни махсус хоналарда саклаш ва хоказо. Саклаш учун топширилган бундай ашёлар, нарсалар бир-бирларига аралаштирилиши, яъни эгасизлантирилиши сабабли омонат буюмларини эмас, балка жисм ва хил жихатидан уша буюмларга тугри келадиган бошка нарсаларни олади. Бундай саклашга эгасизлантириб саклаш дейилади.
Омонат саклаш шартномасига биноан ашёни куриклашдан иборат булган асосий вазифа, шу ашё омонат сакловчининг бевосита ихтиёрига утганидан кейингина амалга оширилади. Демак, омонат саклаш шартномасини тузилган деб хисоблаш учун тарафларнинг узаро келишувларидан ташкари, ашёнинг топширилиши хам талаб килинади.
Омонат кабул килувчининг асосий бурчи омонат тарзида куйилган нарсани саклашдир. Унинг бошка бурчлари уша асосий бурчга боглик булади. Омонат сакловчи мулкни саклаши учун шартномада назарда тутилган ёки зарур булган барча чораларни куришга мажбур. Ашёни саклаш юзасидан куриладиган зарур чораларнинг характери хар кайси омонатнинг аник шартномаларга караб ё амалдаги махсус коидалар билан ёки узаро келишув буйича бнлгиланиши мумкин. Агар

шартномаларда ёки махсус коидаларга омонатга куйилган ашёнинг кандай сакланиши лозимлиги курсатилмаган булса, омонатга олувчи мулкни саклаш учун кай тарзда олган булса, кейинчалик шу тарзда тула-тукис холда омонат куювчига кайтариши керак. Агар шартномада бошкача хол курсатилмаган булса, омонат сакловчи саклаш учун узига топширилган мулкдан фойдаланишга хакли эмас. Бундан ташкари, омонат сакловчи ашёни кайтариш билан бир вактда, башарти омонат саклаш шартномасида бошкача тартиб назада тутилган булмаса уни саклаш вактида олинган хосил ва даромадларни хам топшириши шарт (Фкнинг 880-моддаси). Лекин омонат сакловчи узига саклаш учун топширилган ашёдан юк топширувчининг розилигисиз фойдаланишга, шунингдек, учинчи шахсларга ундан фойдаланиш имкониятини бериш хакли эмас, сакланаётган ашёдан фойдаланиш учун тулик сакланишини таъминлаш учун зарур булган холлар бундан мустасно Фкнинг 881-моддаси).

Омонат саклаш шартларини узгартириш лозим булиб колса, омонат сакловчи ашёни саклаш шартларини узгартириш зарурлиги хакида дархол юк топширувчини хабардор килиши ва унинг жавобини кутиши шарт.

Ашёнинг йуколиши ёкишикастланиши хавфи пайдо булган такдирда,омонат сакловчи саклаш шартномасида назарда тутилган саклаш усули, жойи ва бошка шартларини юк топширувчининг жавобини кутмасдан узгартириши шарт.пр

Агар саклаш вактида ашёнинг бузилиши хавфи аник булиб колса, ёки ашё бузилган булса ёки унинг тулик сакланишини имкон бермайдиган вазиятлар вужудга келган булса, юк топширувчи эса уз вактида чоралар куришини кутиш мумкин булмаса, омонат сакловчи ашёни ёкт унинг бир кисмии  саклаш жойида амалда булган бахода, нархда мустакил сотишга хакли. Агар мазкур вазиятлар омонат сакловчи айбдор булмаган сабабларга кура вужудга келган булса, у сотиш учун килган уз харакатларини харид бахосидан ундириш хукукига эга.

Маълумки, конун хужжатлари ва фукаролик муомаласидан чикарилмаган хамда омонат саклаш коидаларига зид булмаган хар хил ашёлар ва мол-мулкларни саклаш мумкин. Шулардан хавфли хоссаларга эга булган ашёларни саклаш, агар юк топширувчи тез ёнадиган, портлаш хавфи булган ёки уз табиатига кура, хавфли булган ашёларни саклаш учун топшираётган вактда сакловчининг уларнинг хоссалари хакида огохлантирмаган булса, омонат сакловчи бу ашёларни курилган зиённи юк топширувчига туламаган холда истаган вактда зарарсизлантириши ёки йук килиб ташлаши мумкин. Юк топширувчи бундай ашёлар сакланиши муносабати билан сакловчига ва учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавоб беради.

Агарда хавфли хоссаларга эга булган ашёлар саклаш учун профессионал омонат сакловчига топширилган вактда ушбу модданинг биринчи кисмида назарда тутилган коидалар бундай ашёлар саклаш учун нотугри ном билан топширилган ва омонат сакловчи уларни кабул килиб олиш чогида сиртдан куздан кечириш йули билан уларнинг хавфли хоссаларга эгалигини била олмаган такдирда кулланилади  (ФК нинг 883-моддаси).

Агар ашёлар хак эвазига сакланган такдирда , ФК 883-моддасининг биринчи ва иккинчи кисмлариданазарда тутилган холларда ашёларни саклаш учун туланган хак кайтариб берилмайди, борди-ю ,бу хак туланмаган булса , омонат сакловчи уни тула-тукис ундириб олиши мумкин.

Агар омонат сакловчи хабардор булгани холда ва унинг розилиги билан саклашга кабул килинганда , ФК нинг 883-моддаси биринчи кисмида курсатилган ашёлар, гарчи уларни саклаш шартларига риоя этилган булсада, атрофдагилар учун ёки омонат сакловчи ёхуд учинчи шахсларнинг мол –мулки учун хавфли булиб колган булса хамда вазият омонат сакловчининг юк топширувчидан уларни дархол олиб кетишни талаб килишга имкон бермаса ёки юк топширувчи бу талабни бажармаса, ушбу ашёлар омонат сакловчи томонидан юк топширувчига зиённи туламаган холда зарарсизлантирилиши ёки йук килиб ташланиши мумкин, Бундай холларда юк топширувчи ушбу ашёларни саклаш муносабати билан келтирилган зарар учун омонат сакловчи а учинчи шахслар олдида жавобгар булмайди,(Фкнинг 883-моддаси).

Агар конун хужжатларида ёки омонат саклаш шартномасида бошкача тартиб назарда тутилган балмаса, омонат сакловчи юк топширувчининг розилигисиз  ашёни саклаш учун учинчи шахсга топширишга хакли эмас. Башарти буни юк топширувчининг манфаатлари зарур килиб куйган ва омонат сакловчи унинг розилигини олиш имкониятидан махрум булган булмаса, омонат сакловчи

ашёни учинчи шахсга топширилганлиги хакида юк топширувчини кечиктирмай хабардор килиши шарт.
Саклаш учун ашё топширилган учинчи шахснинг харакатлари учун омонат сакловчи жавоб беради.
Яна омонат куйган шахснинг бурчларидан бири – омонат сакланганлик учун сакловчига саклаш тамом булгандан кейин хак тулаш хисобланадива бунда агарда омонатсаклаш учун даврлар буйича хак тулаш назарда тутилган булса , хар-бир белгиланган давр тамом булиши билан туланиши шарт. Агарда омонат саклаш омонат сакловчи жавобгар булмаган вазиятлар туфайли шартлашилган муддатидан олдин тухтатилса, омонат сакловчни, хакининг мутаносиб кисмини, ФК 883-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи кисмлариданазарда тутилган холларда эса, хакнинг хаммасини олиш хукукига эга булади.
**ФКнинг 883-моддаси: Хавфли хоссаларга эга булган ашйёларни саклаш.**
Агар юк топширувчи

6. **Мавзу: Сугурта.**

**Режа.**
1.Сугуртанинг мохияти ва мазмуни.
2.Сугурта хукукий муносабатлари.
3.Сугурта шартномасининг турлари.

Хужалик фаолиятининг маълум тури сифатида сугурта катор узига хосликларга эга. Сугурта иктисодий категория сифатида манфаатдор ташкилотлар ва фукаролар бадаллари хисобидан ташкил топган, махсус ташкилот (сугурталовчи) бошкарувида булган пул фондини вужудга келтириш ва таксимлаш шакли булиб, унинг асосий тайинланиши сугурта килдирувчиларнинг мулкий ёки бошкача талафотлари ва зиёнлари урнини коплашдан иборат. Эхтиёткорлик максадида бундай пул маблаглари фондини ташкил этиш зарурияти катор омиллар Билан белгиланади:
Биринчидан, инсоннинг хаёти, унинг ишлаб чикариш фаолияти табиат, атроф-мухит Билан узвий равишда боглик булиб, бунда баъзан табиатнинг вайрон килувчи кучлари: кургокчилик, зилзила, сув тошкини, ёнгин, бурон, довул, сел, упирилиш, портлаш, яшин, чакмок уриши, эпизоотия ва бошка сифатларда руй бериши мумкин. Ишлаб чикариш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда хам таваккалчилик мавжуд. Бунда бъзан табиат омилиг боглик булмаган холда, хужалик, ишлаб чикариш фаолияти характери ёки инсон омили характери Билан боглик равишда олдиндан куриб булмайдиган муваффакиятсизликлар, зиёнлар вужудга келиши мумкин. Сугурта хар икала холатда хам вужудга келадиган мулкий зиёнлар урнини тез ват улик коплашга имкон берувчи восита хисобланади.
Шундай килиб, сугурта бир шахсда вужудга келган зиённи куп шахслар зиммасига юклаш булиб, бу шахслар учун зарарни коплаш катта мулкий йукотиш, талафоти булиб курилмайди. Жабрланган шахснинг зиёнлари эса тез ва етарли даражада тулик копланади.
Бунда зиёнларни копловчи манба буладиган, сугуртанинг моддий негизини ташкил этадиган сугурта фонди сугурта килдирувчи шахсларнинг майда бадаллари хисобига марказлаштирилмаган тартибда вужудга келиб, кейинчалик сугурта ташкилоти томонидан бошкариладиган марказлаштирилган фондга айланади.
Сугуртанинг ахамияти уни ижтимоий узаро ёрдам тури сифатидаги вазифасида намоён булади. Сугурта туфайли кутилмаган офат окибатларига Карши кураш олиб борувчи тулаконли, маълум конуниятларга асосланган хужалик фаолияти шакли вужудга келади ва бу фолият зиёнларни коплаш харажатларини аник белгилаш ва уни зарурий харажат сифатида назарда тутишга имкон буради. Хаар хил тасодифий офатлар, кунгилсизликлар окибатларини иктисодий жихатдан

бартараф эти шоркали сугурта ишлаб чикаришда таваккал килиш даражасини жиддий камайтиради.
Сугуртанинг Яна бир ахамияти унинг муайян хизмат курсатиш тури эканлигида булиб, унинг асосий мохияти пул маблагларини бирлаштириш ва айбсиз зарар курганлар уртасида бу маблагларни таксимлаш фаолиятида куринади.
Сугурта иктисодиётнинг хамма сохаларида хужалик фаолиятнинг амалга оширишнинг ишончли кафолати сифатида кулланмокда.
Сугурта тижорат-тадбиркорлик фаолиятда мухим урин эгаллайди ва хужалик юритувчи субъектларга хар кандай конунийфаолият Билан куркмасдан, хавфсирамасдан шугулланишга имконият яратади. Сугурта кредит муомаласида карздор мол-мулкига хар хил табиий офатлар, тасодифий кулфатлар окибатида талофот етиши, кадрсизланиши олдини олади ва бинобарин, баркарорлик, мустахкам ишончлилик омили хисобланади.
Кишиларнинг хаёти, соглигини сугурталаш турмушда мухим ахамиятга эга булиб, уларнинг мехнат фаолияти пасайганда ёки йукотилганда, оиласи бокувчисини йукотганда моддий куллаб-кувватланишини таъминлайди. Шу сабабли хам хар кандай мамлакатда одамлар хаёт ива соглиги сугурталанганлиги бу мамлакат фаровонлиги ва маданият даражасининг мухим курсатгичи хисобланади.
Хар кандай давлат уз худудида хорижий сармоялар жалб этишни максад килганда, биринчи навбатда, бу сармоялар ва сармоядорларни сугурталаш тизимини барпо этиши бежиз эмас.
Узбекистон Республикасида бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида сугурта тизими хам жиддий ислох килинади. Сугурта буйича давлат монополияси бекор килинди, сугурта бозорини вужудга келтириш буйича хукукий асослар яратилди. Ташкилий тадбирлар изчиллик Билан амалга оширилмокда.
Сугурта хукукий муносабатлари ФК,

7. **Мавзу: Кимор ва гаров уйинлари утказиш.**

**Режа.**
1.Кимор уйинларини утказиш.
2.Гаров бойлаш.

ФКнинг 56-бобида кимор ва гаров уйинлари утказишнинг хукукий окибатлари белгилаб куйилган.

**ФКнинг 983-моддаси: Кимор ва гаров уйинлари уюштириш хамда уларда иштирок этиш билан боглик талаблар.**

Фукаролар ва юридик шахсларнинг таваккалчиликка асосланган кимор ёки гаров уйинлар ( кимор ва бас бойлаш) уюштириш ёки уларда иштирок этиш билан боглик талаблари судда химоя килинмайди, кимор ёки гаров уйинлар алдов, зуравонлик, тахдид килиш таъсирида ёхуд уз вакилининг кимор ёки гаров уйинлари ташкилотчиси билан гаразли келишуви туфайли иштирок этган шахсларнинг талаблари бундан мустасно.

Бас бойлаш деганда икки ёки бир неча шахс уртасида маълум бир ходисанинг руй бериши ёки руй бермаслиги, маълум бир субъект томонидан бирон нарсага эришиш ёки эришмаслиги хакида бас бойланади. Бунда тарафларнинг карама-карши фикрлари фарк киладиган, бас боглашишда кимнинг фикри тугри булса, уша голиб чикади ва мулкка эришади. Баъзи хусусияти билан у шарти кечиктирилган битимларга ухшаб кетади. Бас предмети буйича тахмин килинаётган нарсага эришиш тарафларнинг эрки-иродасига боглик булиши мумкин ёки булмаслиги мумкин. Масалан: икки футбол ишкибози томони бас бойлашида руй берадиган ходиса томонларнинг эрк-иродасига боглик булмайди.

Агарда футбол ишкибозлари уртасида уйинчининг маълум уйинда гол уриши ёки гол уролмаслиги тугрисида бас бойлаш, кимор ва бас бойлаш тугрисидаги уйинлардан фарк килиб, кунгилочар уйинлар хисобланади. Кунгилочар уйинларда ютиш ва ютказиш мавжуд булса хам мулкий манфаат мавжуд булмайди.

Кимор уйинларига ружу куйиш, уни доимий касб килиш ахок нуктаи назаридан салбий бахоланади. Кимор уйинлари айрим холларда конунлар билан такикланади. Кимор уйинлари билан боглик булган талаблар, яъни ютукни бермаслик, ютказилганликни тан олмаслик суд оркали химоя килинмайди.

Агарда кимор ваг аров уйинлари алдов, зуравонлик,тахдид килиш таъсирида ёхуд уз вакилининг кимор ёки гаров уйинлари ташкилотчиси билан гаразли келишуви туфайли иштирок этган шахсларнинг талаблари (алдаш оркали ютиш, кимор уйнашга мажбур эти шва шу каби холларда) агар талаб килувчи шахснинг хукук ва манфаатларига путур етказадиган булса, суда химоя килиниши мумкин. Бунда ФКнинг 122-123-моддаларида курсатилган окибатлар вужудга келади.

ФКнинг 984-моддасида лотареялар, тотализаторлар ва бошка уйинларнинг давлат томонидан утказилиши билан боглик узига хос хусусиятлар белгилаб куйилган. Лотареялар, тотализаторлар, узаро бас бойлашишлар ва бошка таваккалчиликка асосланган уйинлар ташкилотчиси – давлат, ваколатли давлат органиан рухсатнома (лицензия) олган шахслар ва уйинларнинг иштирокчилари уртасидаги муносабатлар шартномага асосланади. Бундай шартнома лотарея билети кийматини тулаган ёки уйина иштирок этишга бошка тарзда хак тулаган пайтдан бошлаб тузилган хисобланади.

Бундай шартномалар реал шартномалар хисобланади. Уйин ташкилотчиси билан уйин иштирокчилари уртасидаги шартнома тузиш тугрисидаги таклиф уйинларни утказиш муддати ва ютукни аниклаш тартиби хамда унинг микдори хакидаги шартларни уз ичига олган булиши лозим. Таклифда бундай шартлар ташкилотчиси шартнома буйича уларни белгиланган муддатда утказишдан бош тортган такдирда, уйинларнинг иштирокчилари уларнинг ташкилотчисидан уйинларни колдириш ёки уларнинг муддатини бошка вактга кучириш туфайли етказилган зарарни коплашни талаб килишга хакли.

Лотарея, тотализатор ёки бошка уйинларни утказиш шартларига мувофик ютган деб эътироф этиладиган шахсларга (масалан: спортлотобуйича 6 ёки 5 ракамни олдиндан топган шахслар) уйинлар ташкилотчиси томонидан ютук уйинлари утказиш шартларида назарда тутилган микдорда, шаклда пул-буюм ёки туристик йулланма холида ва муддатларда, агар бу шартларда муддат курсатилмаган булса, уйинларнинг натижалари чикарилган пайтдан бошлаб ун кундан кечиктирмасдан тулаши лозим. Уйин натижалари, голибларини аниклаш уйинлар ташкилотчиси томонидан ёхуд холис, учинчи шахслар томонидан (масалан: хакамлар хайъати томонидан) очик, ошкоралик асосида белгиланади.

Уйинлар ташкилотчиси уйинлар натижаларини матбуот ва оммавий ахборот воситалари оркали ёки бошкача тарзда эълон килиши шарт. Уйинлар ташкилотчиси голибларга ютукни тулаш хакидаги мажбуриятни бажармаган такдирда ютган иштирокчиларнинг талаблари суд оркали каноатлантирилади. Уйинлар ташкилотчиси иштирокчиларга ютукларни тулаш билан бирга, шартнома шартларини бузиш окибатида етказилган бошка зарарларни хам коплаши лозим.

8. **Мавзу: Интеллектуал мулк хукуки.**

**Режа.**

1.
2.
3.

9**. Мавзу: Муаллифлик хукуки.**

**Режа.**

1.

2.
3.
4.

10. **Мавзу: Саноат мулкига булган хукук.**
**Режа.**
1.Саноат мулки тушунчаси, турлари ва уларни хукукий мухофаза килиш.
2.Патентга булган хукук ва шахсий хукуклар.
3.Патентга булган хукукни бошка шахсларга утказиш тартиби.

Саноат мулки объектлари интеллектуал мулк объектларининг таркибий кисми хисобланади. «Саноат мулки» иборасинин том маънода тушунмаслик лозим. Ушбу иборани куллаш 18 -19 асрларда Европа мамлакатларида хукукий ёрлик – патент оркали мухофаза килинадиган ихтиролар – техник характердаги ечимларни, асосан, саноат сохасида кулланганлиги билан боглик хозирги вактда саноат мулки, нафакат саноатда балки амалийтни, турмушнинг хамма сохаларида кенг кулланилади. Гарчи бу ибора унчалик аник-равшан булмаса хам, бирок конуншуносликда мустахкам урнашиб колганлиги сабабли конвенцияларда ривожланган мамалактлар конунларида интелектуал мулк хукуки объектларни хукукий мухофаза йёрлиги асосида химояя килинадиган катта бир гурухнинг номи сифатида анъанавий жихатдан кенг уклланиб келинмокда. Саноат мулкини мухофаза килиш буйича Париж конвенциясида саноат мулкининг мухофаза объектлари сифатида куйидагилар курсатилади: 1) ихтиролар; 2) фойдали моделлар; 3) саноат намуналари; 4) товар белгилари; 5) хизмат курсатиш белгилари; 6) фирма номи; 7) манбани курсатиш; 8) товарнинг келиб чикиш жойи номи (1-2- моддалар); 9) гирром ракобатнинг олдини олиш.
Амалдаги Фкда саноат мулкига булган хукук ихтиро фойдали модел саноат намунасига булган хукук сифатида назарда тутилади.

**ФКнинг 1082-моддаси: Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини хукукий жихатдан мухофаза килиш.**

Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига булган хукук патент берилган такдирдагина мухофаза килинади.
Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига нисбатан куйиладиган, патент олиш хукукини вужудга келтирадиган талаблар хамда патент идорасининг бундай хужжат бериш тартиби конун билан белгилаб куйилади.

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига нисбатан куйиладиган, патент олиш хукукини вужудга келтириладиган талаблар хамда патент идорасиниг бундай хужжатни бериш тартиби Узбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда кабул килинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тугрисида»ги конун (бундан кейин матнда конун деб юритилади) билан белгиланади.
Ихтиронинг патентга лаёнатлилик шартлари ушбу конуннинг 5-моддасига белгилаб куйилган. Бунга асосан, ихтиро сифатида курсатилган объект ( яъни амалий ахамиятга эга булган муаммонинг ечими) башарти у янги ихтирочилик даражасига эга булса ва уни амалиётда куллаш мумкин булса, патент асосида хукукий мухофаза килинади.
Ихтиро, башарти у техника тараккиёти даражасидан яккол аён булмаса, очик –равшан куриниб туомаса, ихтирочилик даражасига эга булади. Техника тараккиёти даражаси ихтиро устиворлиги санасига кадар жахонда оммавий ошкора эълон килинган хар кандай маълумотларни уз ичига олади. Ихтиронинг янгилигини англаш чогида бирмунча олдин устиворликка эга булган холда топширилган ва кайтариб олинган талабномалар хам хисобга олинади.
Ихтиро объектлари турли туман куринишларга эга. Баъзи холларда аввалдан мавжуд объектнинг янги максадларга кулланиши хам ихтиро хисобланади. Масалан, курилмалар, усуллар, моддалар,

микроорганизмларнинг шитаммлари, усимликлар ва хайвонлар хужайраларининг турлари, шунингдек, илгаридан маълум булган курилмалар, усуллар, моддаларниг микроорганизмлар шитаммларини янги максадда кулланиш ихтиро сифати эътироф этилади.
Куйидагилар ихтиро хисобланмайди:
илмий назариялар ва математик усуллар;
хужаликни ташкил  этиш ва бошкариш усуллари;
шартли белгилар, жадваллар, коидалар;
аклий операцияларни бошкариш коидалари ва усуллари;
ЭХМлар учун алгоритмлар ва дастурлар;
бинолар, иншоотлар, худудларни режалаштириш лойихалари ва схемалари;
эстетика талабларини каноатлантиришга йуналтирилган, махсулотларнинг факат ташки куринишига оид ечимлар;
интегралл схемаларнинг топологиялари;
усимлик навлари ва хайвон зотлари;
Жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлок коидаларига зид ечимлар (масалан, инсонни рухий ва жисмоний кийнокка солиш воситалари, фахш-бузуклик воситалари ва хоказо).
Фойдали моделларнинг патентга лаёкатлилик шартлари конуннинг 6-модасида белгилаб куйилган.
Ишлаб чикариш воситалари ва истеъмол буюмларининг конструктив жихатидан ясалиши, тайёрланиши, шунингдек, уларнинг таркибий кисмлари фойдали модел хисобланади.
Фойдали модел сифатида курсатилган объект, башарти у янги булса, уни амалиётда куллаш мумкин булса патент бериш оркали хукукий мухофаза килинади. Ушбу талаблар ихтирога куйиладиган талабларга ухшашдир айни вактдаулар уртасида жиддий тафовутлар хам мавжуд. Масалан, фойдали модел ихтирочилик даражасига эга эмас. Фойдали модел объектлари доираси торрок. Жумладан, усуллар, моддалар, микроорганизм шитаммлари, усимлик ва хайвонлар хужайраларининг турлари шунингдек, уларнинг янги максадда фойдаланиши фойдали модел хисобланмайди. Айни вактда, ихтиро булиб хисобланмайдиган объектлар хам фойдали модел сифатида мухофаза килинмайди.
Буюмнинг ташки куриниши ифодалайдиган бадиий констукторлик ечимлари саноат намунаси хисобланади. Ушбу ечимлар буюмнинг конструктив хусусиятларни эмас, балки факат ташки киёфасини ташки куринишини шакллантиради. Бадиий-конструкторлик ечими сифатида саноат намунаси санъат асарларидан шу билан фаркланадики, унда буюмнинг конструктив (техник яроклилик, кулайлик хусусиятлари, ишлаш кобилияти) ва эстетик сифати (чиройлилиги безатилганлиги) узвий уйгунлшаган булиши лозим.
Саноат намунаси сифатида курсатилган объект, башарти у янги, узига хос булса ва уни амалиётга куллаш мумкин булса, патент бериш оркали хукукий жихатдан мухофаза килинади (Конуннинг 7-моддаси).
Мутлак хукук эгасининг хукукларни бузиш тегишли фукаролик – хукукий жавобгарликка сабаб булади.
Фкда белгиланган коидага асосан, мутлак хукукни бузган деб аталаётган шахс бунинг аксини исботлаб бериши шарт. Масалан, махсулот патентланган усул билан тайёрланмаганлигини. У бу холатниисботлаб бергунга кадар махулот патентланган хисобланади. Ушбу хукукий президумция конуннинг 29-моддасида батафсил уз ифодасини топган. Унга асосан ихтиронинг фойдали моделининг мустакил бандга киритилган хар бир белгиси йки унган ухшаш саналувчи формула булган белги кулланилган булса, махсулот (буюм) патент берилган ихтиро фойдали моделдан фойдаланган холда тайёрланган ихтиро патенти билан мухофаза этиладиган усул эса, улланилган деб хисобланади.
Махсулотнинг олиш усулига берилган патентнинг амалкилиниши айнан шу усул ёрдамида олинган махсулотга нисбатан хам тадбик этилади.
Бунда бунинг аксини исботловчи далиллар булмаса, бу янги махсулот патент берилган усулдаолинган деб хисобланади.

Башарти ахсулотда патентланган саноат намунасининг барча мухим аломатлари булса, у патент берилган саноат намунасидан фойдаланилган холда тайёрланган деб эътироф этилади.
Патентга булган хукукни тасарруф этиш хукукларнинг юридик такдирини белгилашни англатади. Мутлак хукук сохиби бу хукукларни шахсан узи амалга ошириши, бошка хар кандай шахсларга тулик ёки кисман хак бараварига (лицензия бериш, сотиш) ёки текин (хадя килиш) утказишга хакли.
Патентга булган хукук уз таркибига, доирасига хилма-хил
хукукларни камраб олади. Бу хукукларни мажмуи патентга булган хукукни ташкил этади.
**ФКнинг 1034-моддаси:** Интеллектуал мулк обектларига нисбатан мутлак хукуклар.
**Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларини акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий хукуклар эгасига анна шу интеллектуал мулк объектидан уз хохишига кура хар кандай шакилда ва хар кандай усулда мутлок конуний фойдаланиш хукук тегишли булади .**
**Хукук эгасига мутлак хукук асосида тегишли булган интеллектуал мулк объектларидан бошка шахсларнинг фойдаланишига факат хукук эгасининг розилиги Билан йул куйилади.**
**Интеллектуал мулк обектига нисбатан мутлак хукук эгаси бу хукукни бошка шахсга тулик ёки кисман утказишга интеллектуал мулк объектидан бошка шахс фойдаланишига рухсат беришга хакли ва , агар бу ушбу Кодекс ва бошка конунларнинг коидаларига зид булмаса, уларни бошкача тарзда тасарруф этишга хакли.**
**Мутлак хукукларни чеклашга, шу жумладан интеллектуал мулк обектидан бошка шахслар фойдаланишига имконият бериш йули Билан чеклашга, бу хукукларни хакикий эмас деб топишга ва уларни тугатишга (бекор килишга ) ушбу Кодекисга ва бошка конунларда белгиланган холларда, доираларда ва тартибда йул куйилади.**
**Мутлок хукукларни чеклашга бундай чеклаш интеллектуал мулк объектидан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ва хукук эгаларининг конуний манфаатларини камситмаган такдирда йул куйилади.**

**Фукаролик хукуки муомаласи катнашчилари, товарлар,**
**11Мавзу: ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалри.**
**Режа.**
1.Фирма номига булган хукук.
2.Фирма номига булган хукукнинг амал килиши ва уни бошка шахсга бериш хукуки.
3.Товар (хизмат курсатиш) белгисига булган хукук.
4.Товар (хизмат курсатиш) белгисини бошка шахсларга утказиш.

Маълумки, хар бир жисмоний шахс – фукаро уз исм, насабига эга ва бу уни бошкалардан ажратиб турувчи белгиларидан биридир. Юридик шахслар хам узининг ташкилий – хукукий шаклини билдирадиган номга эга булади. Тижоратчи булмаган ташкилотлар унитар корхоналарнинг номлари, конунда назарда тутилган холларда бошка тижоратчи ташкилотларнинг хам номлари

юридик шахс фаолиятининг хусусиятини курсатиши керак ( масалан, «Лаззат» кандолат фабрикаси, «Камолот» жамгармаси ва хоказо).
Юридик шахснинг номига тула ёки кискартирилган расмий номи (давлатнинг номини) киритишга , юридик шахс хужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига шундай ном ёхуд давлат рамзлари (герб, байрок) элеменларини кушишга Узбекистон Республикаси хукумати белгилайдиган тартибга йул куйилади.
Юридик шахснинг номи унинг таъсис хужжатларида курсатилади.
Тижоратчи ташкилот булган юридик шахс уз фирма номига эга булиши лозим ва у ундан фойдаланиш буйича мутлак хукукка эгадир. Узга фирма номидан гайриконуний суръатда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик килиш хукуки булган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тухтатиши ва етказилган зарарларни тулаши лозим (ФКнинг 46-моддаси).
Фирма номи – тижоратчи ташкилотнинг фукаролик муомаласида иштирокида уни бошка катнашчилардан, уларнинг товарлари, ишлари ва хизматларидан фаркловчи, ажратиб турувчи, индувдаллаштирувчи воситаси хисобланади. Юридик шахс фирма номидан юридик шахснинг узини хам, унинг ишлаб чикарган товарлари, бажарган иши, курсатадиган хизматини фаркловчи хабардор килувчи восита белги сифатида фойдаланишга булган мутлак хукуки (ФКнинг 1098-моддасида коида тарикасида белгилаб куйилган).
Юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис хужжатларини (устав, таъсис шартномаси, ташкил этиш хакидаги карор) тасдиклашдан муассислар томонидан белгиланади ва у юридик шахслар давлат рейстреги киритиш йули билан кайд этилади, бу хакда юридик шахсга далолатнома берилади.
Корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ном бериш тартиби ушбу ФК билан, шунингдек, Узбекистон Республикасида маъмурий худудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини узгартириш тартиби тугрисидаги 1996 йил 30 августда кабул килинган конун билан белгиланади. Бунга асосан, корхона, муассаса, ташкилот мавкеига караб унга ном куйиш Вазирлар Махкамаси, вилоятлар хокимлари томонидан амалга оширилади. Бунга тирик жисмоний шахсларнинг номларини фирма номи сифатида куйишга йул куйилмайди.
Бир хил номдан бир неча юридик шахс фирма номи сифатида ишлатишга йул куйилмайди. Фирма номлари бир-бирларини айнан такрорламаслиги, унинг эгасини бошка субъект билан чалкаштиришга, чалгитишга олиб келмаслиги шарт. Шу сабабли хам юридик шахснинг фирма номи билан бошка юридик шахслар билан айнан бир деб хисоблашга, чалгишга олиб келиши мумкин булган даражада аввал руйхатга утказилган номга ухшаб кетадиган, такрорлайдиган булса, у холда руйхатга олиш хакидаги ариза, талабнома рад этилади ва бошкача фирма номи белгилаш хакида таклиф килинади. Бир хилда фирма номини бир неча юридик шахс талабнома берган холда олдинрок талабнома берган ёки бу номдан энг узок муддат давомида фойдаланиб келаётган юридик шахс имтиёзга эга булади.

**ФКнинг 1099-моддаси: Юридик шахснинг фирма номидан товар белгисида фойдаланиш.**

Юридик шахснинг фирма номидан унга тегишли товар белгисида фойдаланилиши мумкин.

Юридик шахс товарларга, уларнинг идиши ва уровида, рекламада, пешлавхаларида, босма маълумотномаларида хисоб варакалари, босма нашрлар, расмий бланкаларда ва шу каби фирма номидан ( хизмат) белгисидан фойдаланишга хакли.
«Истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш хакида»ги конуннинг 5-моддасига асосан сотувчи (товар ишлаб чикарувчи уз ташкилотининг фирма номини билдириши, хабардор килиши шарт.
Юридик шахснинг фирма номидан товар (хизмат) белгиси сифатида фойдаланиши бу унга тегишли хукук булиб, мажбурият эмас. Агар юридик шахс фирма номини товар белгисига киритса, у товар белгисининг таркибий кисми, элементи сифатида ёки унга кушимча, илова элемент сифатида булиши мумкин. Фирма номи товар белгисининг таркибий кисми сифатида булганида, у ваколатли давлат идораси томонидан тасдикланган булиши лозим.

Бир юридик шахснинг фирма номидан бошка юридик ёки жисмоний шахс товар (хизмат) белгисидан фойдаланишига йул куйилмайди.
Юридик шахснинг фирма номига булган мутлак хукуки Узбекистон Республикаси худудида амал килиши, эътироф этилиши, мухофаза килинишининг зарур шарти – бу номнинг Узбекистон Республикасининг ваколатли давлат идораларида руйхатдан утказдирилганлиги ва бу хакда далолатнома бнлгиланганлиги.
Ушбу талабга риоя килмаслик фирма номига булган мутлак хукук тан олмаслигига сабаб булади.
Чет давлатда руйхатга олинган ёки умумэътироф этган номга (масалан, Самсунг, Боинг, Сони,Кока-Кола ва хоказо) нисбатан мутлак хукук Узбекистон Республикаси худудида куйидаги холларда амал килиши мумкин:
А) агар бу Узбекистон Республикаси кушилган халкаро конвенциялар, битимлар ва бошка хужжатлар назарда тутилган булса;
Б) агар бу Узбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар уртасидаги икки томонлама, куп томонлама шартномалар, битимларда назарда тутилган булса.
Саноат мулкини мухофаза килиш буйича Париж конвенциясининг 8-моддасида курсатиладики, конвенциянинг иштирокчиси булиш хар бир давлат бошка иштирокчи хорижий давлатда жойлаган фирма номини унинг узида кайд этилган-этилмаганидан катъи назар (кайд этиш хакидаги талаб мажбурийлигидан катъи назар), хукукий мухофаза килиш, мутлак хукукини таъминлаши лозим.
Узбекистон Республикаси Париж конвенцияси иштирокчиси хтсобланади.
Фирма номига булган мутлак у кайд этилганидан бошлаб бемуддат амал килади.
Ном эгаси булган шахс тугатилганидан бошлаб ёки унинг фирма номини белгиланган тартибда узгартириш оркали фирма номига булган мутлак хукук бекор булади. Фирма номи узгартирилганда бу хакда ошкора-оммавий эълон килиниши шарт.

**ФКнинг 1101-моддаси: Фирма номига булган хукукни бошка шахсга бериш.**

Юридик шахснинг фирма номига булган хукукни бошка шахсга бериш ва утказишга факат юридик шахс кайта ташкил этилган хамда умуман корхона бошка шахсга берилган холлардагина йул куйилади.
Фирма номига булган хукук эгаси бошка шахсга узининг бу номидан фойдаланишга рухсат этиши (лицензия бериши) мумкин. Бирок бунда лицензия шартномасида истеъмолчини чалгитиб куйишни истисно этувчи чоралар шарт килиб куйилиши лозим.

Юридик шахснинг фирма номига булган хукукини бошка шахсга беришга ва утказишга факат куйидаги холлардагина йул куйилади:
а) юридик шахс Фкнинг 49-моддасида белгиланган тартибда кайта ташкил этилганда;
Б) корхона (юридик шахс) бутунлай бегоналаштирилганда (сотилган, хадя килинган ва хоказо).
Юридик шахснинг фирма номига булган хукукини бегоналаштириш ваколатли давлат органида кайд этиш ва тегишли далолатнома бериш оркали расмийлаштирилади.
Фирма номига булган хукук эгаси бошка шахсга фирма номидан фойдаланишга рухсат бериши (лицензия бериши) мумкин (масалан, ФКнинг 862-моддасида белгиланган фпаншизинг шартномасини тузиш оркали), лицензия фирма номидан фойдаланиш холлари, доираси, бунинг учун олинадиган хак микдори, тулаш тартиби ва шу каби шартларни уз ичига олиши лозим.
Айни вактда шартномада лицензиар лицензиатга унинг зиммасига фирма номидан фойдаланишда истеъмолчини чалгитиб куйиш, алдашига олиб келишни истисно этувчи чоралар куриш мажбуриятини юклаши ва унинг бажарилиши устидан назорат килиши лозим. Бундай чоралар курилмаган такдирда истеъмолчининг эътирозлари лицензиат (бошканинг фирма номидан фойдаланувчи) га эмас, балки лицензиарга (фирма номининг эгаси) каратилиши мумкин.
Товар (хизмат) белгиси бу бир жисмоний ёки юридик шахснинг товарлари ва хизматларининг бошка юридик ёки жисмоний шахсларнинг бир турдаги товарлари ва хизматларидан фарклаш учун фойдаланиладиган белгилардир.

Товар белгиси сифатида сузлар, тасвирлар, кабарик ва бошка белгилар ёки уларнинг жамлама ифодаси руйхатдан утказилиши мумкин. Товар белгиси исталган бир рангларда булиши мумкин.
Узбекистон Республикасида товар белгиларини руйхатдан утказиш, хукукий жихатдан мухофаза килиш ва улардан фойдаланиш билан боглик муносабатлар ФК, «Махсулот белгилари ва хизмат курсатиш белгилари тугрисида»ги конун (бундан кейин матнда конун деб юритилади) ва тегишли конун хужжатлари билан тартибга солинади.
Конунга асосан куйидаги холларда товар белгиларини руйхатдан утказишга йул куйилмайди, агарда улар:
Фаркланиш хусусиятига эга булмаса;
Давлат рамзлари, давлатларнинг, халкаро, хукуматлараро ташкилотларнинг, давлат идораларининг рамзий белгилари сифатида фойдаланиб келинаётган булса;
Муайян турдаги махсулотларни англатувчи белги сифатида умумистеъмолга кириб кетган булса;
Умумэътироф этилган рамзлар ва атамалар булса;
Махсулотнинг тури, сифати, хусусияти, кандай максадга мулжалланганлиги, киймати, шунингдек, махсулот ишлаб чикарилаётган ёки сотилаётган жойи ва вактини ифода этса;
Калбаки ёки истеъмолчини махсулот ёки уни ишлаб чикарувчиси хакида чалгитадиган булса;
Жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлок коидаларига зид булса;
Илгари Узбекистон Республикасида узга шахс номига кайд этилган ёки руйхатдан утказилиши сураб талабнома берилган худди шу турдаги махсулотнинг белгиларини такрорласа, ухшаш булса, (алмаштириш ёки чалгитиш даражасида);
Узга шахсларнинг Узбекистон Республикасининг Халкаро шартномаларига асосан руйхатдан утказилмай хам мухофаза килинадиган махсулот белгилари билан, белгиланган тартибда руйхатга олинган сертификат белгилари билан бир хил ёки алмаштириб юбориш даражасида айнан ухшаш булса;
Узга шахсларга тегишли ва Узбекистон Республикаси худудида таникли булган фирма номларини (ёки уларнинг бир кисмини) такрорласа;
Эгалик хукуки Узбекистон Республикасида узга шахсларга тегишли булган саноат намуналарини;
Муаллифлик хукукига эга булган шахс ёки унинг хукукий ворислари розилигини олмаган тарзда Узбекистон Республикасида машхур булган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини уларнинг кахрамонларини,ёки ибораларини, санъат асарларини ёки уларнинг куринишларини;
Атокли шахслар, уларнинг меросхурлари ёхуд Узбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги сифати эътироф килинган булса, тегишли ваколатли идоралар розилигини олмаган тарзда ана шу атокли шахсларнинг фаолиятлари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сузларни, мазкур атокли шахсларнинг портретларини хамда дастхатларини узида акс эттирган белгиларни (конуннинг 5-6-моддаларида).
Товар белгисининг хукукий мухофаза килишнинг асосий шарти унинг тегишли ваколатли давлат идорасида руйхатдан утказдирилганлиги хисобланади.
Махсулот белгисининг руйхатдан утказдириш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахслар томонидан шахсан ёки Патент идорасида руйхатга олинган патент вакили оркали (хорижий субъектлар учун) берилиши мумкин.
Умумий коида буйича махсулот белгисининг устиворлиги тегишли тарзда расимйлаштирилган талабнома Патент идорасига келиб тушган кунга караб белгиланади. Талабнома ва талабномада ифодаланган белги белгиланган тартибда экспертизадан утказилади ва унинг натижаларига караб товар белгисини руйхатдан утказиш ёки рад этиш хакида карор кабул килинади. Рад этиш хакидаги карор устидан патент идорасининг Апелляция кенгашига шикоят килиш мумкин. Апелляция кенгаши карори буйича норози томон олти ой ичида олий судга шикоят килишга хакли.
Товар белгисини руйхатга олиш хакидаги карорга асосан, Патент идораси товар белгисини Узбекистон Республикасининг товар белгилари реестрида руйхатдан утказади. Давлат реестрига ва товар белгисининг руйхатдан утганлиги хаидаги гувохномага товар белгиси тасвири, унинг эгаси хакидаги маълумотлар, устиворлик санаси, руйхатдан утган вакти, ушбу белгини куйиш

мулжалланган товарлар руйхатга киритилади, бу хакда маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон килинади.
Товар белгиси Давлат реестрида руйхатдан утказилганидан ва белгиланган бож туланганлиги хакида хужжат олинганидан кейин уч ой ичида Патент идораси товар белгиси эгасига гувохнома беради.
Товар белгиси руйхатдан утказилганлиги хакидаги гувохнома белгининг товар белгиси сифатида руйхатдан утказилганлиги, товар белгисининг устиворлигини, товар белгисининг эгасининг гувохномада курсатилган махсулотлар ва хаизматларга нисбатан мутлак хукукини тасдиклайди.
Товар белгиси руйхатдан утганлиги хакидаги гувохнома устиворлик белгиланган санадан эътиборан ун йил давомида амал килади. Бу муддат тегишли бож тулаб борилган такдирда хар гал ун йилга узайтириб борилади.
Товар белгиси эгаси бу белгидан фойдаланишда ва унинг тасарруф килишда мутлак хукукка эга. Мутлак хукук мазмуни конуннинг 18-моддасида белгилаб куйилган. Бунга асосан товар белгисининг эгаси ушбу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда, шу жумладан унга узга шахслар фойдаланишга рухсат бериш ёки таъкиклаб куйишга мутлак хукукка эгадир. Узбекистон Республикасида мухофаза килинаётган товар белгисидан унинг эгаси рухсатисиз хеч ким фойдалана олмайди.
Товар (хизмат) белгисини конунда белгиланган хар канакасига ва хар кандай тарзда фукаролик муомаласига киритиш ундан фойдаланиш деб хисобланади.
Товар белгисининг эгаси томонидан ёки конунда белгиланган тартибда лицензия шартномаси асосида шундай хукук берилган шахс томонидан товар белгиси кайси товарларга куйиш учун руйхатдан утказилган булса, шу товарларда ва уларнинг урови устида ишлатилиши товар белгисидан фойдаланиш хисобларида, расмий иш когозларида, осиб куйиладиган лавхаларида, кургазма ва ярмаркаларда экспанатларни намойиш килишда ишлатиш хам ундан фойдаланиш деб топилиши мумкин.
Конуннинг 19-моддасига асосан товар бнлгисининг эгаси ундан фойдаланиш шарт.
Товар белгиси руйхатдан утганлиги тугрисидаги гувохноманинг амал килиши товар бнлгиси руйхатдан утказилгандан кейин ишлатилмаган ёки гувохноманинг амал килиш муддати беш йил давомида узрли сабабсиз умуман фойдаланилмаганда, исталган манфаатдор шахснинг аризасига мувофик Олий Суд чикарган карор асосида муддатидан олдин тулик ёки кисман бекор килиниши мумкин. Ушбу масалани хал этишда товар белгиси эгаси такдим этган ва товар белгисидан узига боглик булмаган сабабларга кура фойаланилмаганлигини (масалан, корхона реконструкция килинганлигини, кайта жихозланганлиги сабабли ёки бозорда товарга талаб булмаганлиги сабабли уни ишлаб чикариш вактинча тухтатилганлиги ва хоказо) исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин. Узрли сабабсиз товар белгисидан фойдаланмаслик деганда ушбу товар белгиси ишлатилиши мулжалланган товарларни ишлаб чикариш ва муомалага киритишда товар белгисидан фойдаланмаслик тушунилади.
Гувохномада курсатилган товарлар, ишлар, хизматларнинг барча гурухлари ёки бир кисмига товар белгиси куйишдан иборат мутлак хукукни белги эгаси шартнома асосида бошка манфаатдор юридик ёки жисмоний шахсга бериши (утказиши) мумкин. Шартномада утказилаётган хукук хажми аник белгилаб куйилиши лозим. Бундай шартнома хак бараварига хам, текин хам тузилиши мумкин.
Куйидаги холларда товар белгисига булган хукукнинг бошка шахсга берилишига йул куйилмайди:
а) агарда бунда товар хакида истеъмолчининг ёки бошкаларнинг чалгишига, янглишишига сабабчи булиши мумкин булса;
б) агарда бундай товарни ишлаб чикарувчи тайёрловчи хакида истеъмолчининг чалгишига, янглишишига сабабчи булиши мумкин булса, бундай холларда Патент идораси товар белгисига нисбатан хукукни бошка шахсга бериш хакидаги шартномани руйхатдан утказишни рад этади;
Агарда юкоридаги холатлар ёки улардан бири шартнома тузилганиан кейин вужудга келагн булса, ухолда шартномани бекор килиш хакида талаб билан ваколатли давлат органари истеъмолчилар уюшмалари ёки бошка шахслар мурожаат этишлари мумкин. Шартнома суд томонидан бекор

килинганда унинг бажарилиши натижасида вужудга келган юкоридаги холатларни бартараф этиш тарафларнинг зиммасига юкланиши лозим.
Товар белгиси эгаси бу белгидан фойдаланиш хукукини лицензия шартномаси асосида бошка шахсга бериши мумкин. Лицензия шартномасида лицензиат махсулотининг сифати лицензиар махсулотининг сифатидан паст булмаслиги ва лицензиар ана шу шартга амал килинаётганлигини назорат этиб туриши тугрисидаги шартбулиши лозим. Товар белгисига куйилган хукукнинг хар кандай асосга кура бошка шахсга утиши, шу жумладан, уни шартнома асосида (Фкнинг 105-моддаси 1-кисмида белгиланган тартибда ) ёки хукукий ворислик тартибида (юридик шахслар кайта ташкил этилиши окибатида) бошка шахсга бериш Патент идорасида руйхатдан утказилмоги лозим.

**ФКнинг 1106-моддаси: Товар белгисига булган хукукни бошка шахсга бериш тугрисидаги шартноманинг шакли.**

Товар белгисига булган хукукни бошка шахсга бериш тугрисидаги ёки лицензия бериш хакидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши ва патент идорасида руйхатдан утказилиши мумкин.
Ёзма шаклга ва руйхатдан утказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг хакикий эмас деб топилишига сабаб булади.

Товар белгисига булган хукукни бошка шахсга утказиш хакидаги шартнома ва товар белгисидан бошка шахсларнинг фойдаланишига лицензия бериш хакидаги шартномаларнинг ёзма шаклига ва руйхатдан утказиш талабига риоя этмаслик шартномаларнинг хакикий эмаслигига сабаб булади. Бундай шартномалар Фкнинг 112-моддаси 1-кисмига асосан уз-узидан хакикий хисобланмайди.Айни вактда ушбу коидадан истиснолар хам мавжуд булиб, бу Фкнинг 112-моддаси 2-кисмида белгилаб куйилган. Бунга асосан агар давлат руйхатидан утказиш талаб килинадиган битим керакли шаклда тузилган булиб, аммо тарафлардан бири уни руйхатдан утказишдан бош тортса, суд бошка тарафнинг талаби билан битимни руйхатдан утказиш хакида карор чикаришга хакли. Бундай холда (шартнома) суд карорига мувофик руйхатдан утказилади. Шартномани давлат руйхатдан утказишдан бош тортаётган тараф шартномани тузиш кечиктирилганлиги туфайли иккинчи тарафга етказилган зарарни тулашга мажбур.
Шартномаларнинг уз-узидан хакикий саналмаслиги окибатлари Фкнинг 113-114-моддаларига белгилаб куйилган. Бунга асосан шартнома хакикий булмаганида тарафларнинг хар бири шартнома асосида олган нарсани бошка тарафга кайтариб бериши олинган нарсани аслича натура холида (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш бажарилган хизмат ёки курсатилган хизмат билан ифодаланганда) кайтариб бериш мумкин булмаганида эса, агарда шартнома хакикий эмаслигининг бошка окибатлари конунда назарда тутилган булмаса, унинг кийматини тулаши шарт.
Хакикий булмаган шартнома унинг хакикий эмаслиги билан боглик булган окибатлардан ташкари, бошка юридик окибатларга олиб келмайди ва тузилган пайтдан бошлаб хакикий эмасдир. Бинобарин, бундай шартномалар буйича ижрони талаб килиш, шартнома шартларини бузганлик учун тегишли жавобгарликни куллаш хакида судга мурожаат килиш мумкин эмас.
Уз-узидан хакикий булмаган битим, шартнома хакикий эмаслиги окибатларини кулланиш тугрисидаги талабни хар кандай манфаатдор куйиши мумкин. Суд бундай окибатларни уз ташаббуси билан куллашга хакли.

11.**Мавзу: Ворислик тугрисидаги умумий коидалар.**

**Режа.**

1.Ворислик ва мерос тушунчалари.
2.Ворислик асослари.
3.Мероснинг очилиши ва ворислик хукукини амалга ошириш.

Ворислик хукуки фукаролик хукукининг ажралмас ва якунловчи кисми хисобланиб, фукароларнинг хусусий мулк хукуки билан чамбарчас богланган.
Узбекистон Республикаси Конститутциясининг 53-моддасида курсатиб утилганидек, хусусий мулк бошка мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясида булиб, мулкдор факат конунда назарда тутилган холларда ва тартибдагина мулкидан махрум этилиши мумкин.
Мулк эгаси мулкдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукукига эга. Бу хукукдан у узининг хаётлигида фойдаланади ва узи вафот этгандан кейинги мулкнинг такдирини олдиндан белгилаши мумкин.
Конун хусусий мулк эгаси сифатида фукаронинг эрки ва манфаатларини хурмат килиб, унинг хусусий мулкка булган хукукларини мухофаза килади.
Хусусий мулк эгаси уз мулкининг такдирини узи вафот этгандан сунг мерос (ворислик) хукуки ёрдамида амалга оширилади.
«Мерос хукуки,- дейилади Узбекистон Республикаси Конститутциясининг 36-моддасида, конун билан кафолатланади».
Ворислик хукуки фукароларнинг мулкий хукук ва манфаатларини куриклаш билан богланган булиб, уларнинг уз мулкига нисбатан тасарруф этиш хукукини хеч кандай тусиксиз нафакат узининг хаётлигида шунингдек, вафот этган такдирда хам амалга оширилишини конун Билан таъминлайди.
Хусусий мулк эгаси узи вафотидан кейин мулкининг кимга утиши масаласини ворислик хукуки асосида хаётлигида хал килади.
Шунинг билан хусусий мулк хукукини мустахкамлаш, мулкнинг купайиши ва ривожланишини таъминлаш йули билан меросхурларнинг бойишига ва яшаш шароитларининг яхшиланишига кумаклашади.
Узбекистон фукаролари, уларнинг ижтимоий ахволи, мулкий бойлиги, миллати ва диний эътикоди жинси ва турар жойи, утроклиги ва хизмат вазифасидан катъий назар, барчаси баб-баравар ворислик хукукидан фойдаланадилар.
«Конун билан ман этилган айрим ашёлардан ташкари, -- дейилади ФКнинг 209-моддасида, -- хар кандай мол-мулк хусусий мулк булиши мумкин».
Хусусий мулк эгаси узининг хамма мол-мулкини, мулкка булган хукук ва мажбуриятларини узи вафот этгандан кейин ворислик хукукига асосан конун буйича ёки васият буйича ворисларга беришга хакли.
Одатда халк уртасида мерос деганда, вафот этган шахс мол-мулкининг унинг кариндошларига утиши тушунилади. Мерос тугрисидаги бундай тушунча жуда хам юзаки булиб, мерос ва ворисликнинг хакикий маъносини очиб бермайди. Мерос хукуки (наследственное право) билан ворислик хукукини (право наследования) бир-бири билан аралаштириб юбормаслик керак. Мерос хукуки ворислик хукукига караганда анча кенг мазмунга эга.
Шунинг учун мерос, меросхур, ворислик, мерос колдирувчи деган ибораларни яхшилаб тушуниб олиш керак булади.
Мерос нима? Мерос деганда биз фукароларнинг вафот этган кунидан уларга тегишли булган хукук ва мажбуриятлар йигиндисини тушунамиз.
Маълумки, хар бир шахс узи хаётлик даврида бошка шахслар билан хар хил муносабатларда булади. Бу муносабатлар аксарият холларда шахснинг хохиш иродаси билан вужудга келади, аммо айрим муносабатлар шахснинг хохиш иродасига боглик булмаган холда хам вужудга келиши мумкин. Шу билан бирга, вакт утиши билан бир муносабат бекор булади, иккинчи бир муносабат пайдо булади шунинг учун хар бир шахс бошка шахслар билан мунтазам равишда кандайдир бир муносабатда булиб туради бу муносабатларнинг хамма маълум бир конун коидалар билан тартибга солинади. Муносабатда турган хар бир шахс маълум бир хукукка эга булади ва шу билан бирга, маълум бир мажбуриятни хам уз зиммасига олади. Бундай хукук ва мажбурият, коида тарикасида, шахс вафот этган такдирда хам узининг хукукий кучини саклаб колади бошкача килиб айтганда шахснинг вафот этиши бундай хукук ва мажбуриятларнинг бекор булишига олиб келмайди. Масалан, фукаронинг жамгарма банкига куйган омонати буйича банк уни куйган шахс вафот этган такдирда хам тулаш мажбуриятидан озод булмайди.

Мажбурият давом этади. Факат талаб килиб олиш хукуки бошка шахсларга утади, яъни вафот этган шахс томонидан тайинланган ёки конунда белгиланган меросхурларга утади.
Аммо фукароларнинг хукук ва мажбуриятлари хам улар вафот этганларидан кейин уз кучини саклаб колмайди, айримлари бекор булади. Факатгина вафот этган шахс хаётлигида ундан бошка шахсга утиши мумкин булган хар кандай хукук ва мажбурият мероснинг таркибига кириши мумкин. Вафот этган шахси билан боглик булган хукук ва мажбуриятлари мерос таркибига кирмайди ва бошкаларга утмайди.
Демак, мерос шахс вафотидан кейин унинг бошка шахсга утиши мумкин булган хукук ва мажбуриятлардан иборатдир. Аникрок килиб айтганда, фукарога хусусий мулк асосида тегишли булган уй-жой, автомашина ва бошка мол-мулклар эмас, балки шу мол-мулкка нисбатан булган хукук мерос объекти сифатида мерос таркибига киради.
Конун фукароларнинг хусусий мулк хукукини мерос хукуки билан бевосита боглайди, уни бошка мулк шакллари билан бирга баб-баравар химоя килади.
Узбекистон фукаролик конунчилигида мерос хукуки мероснинг очилиши, уни химоя килиш, мерос олиш хукукига эга булган шахслар, мерос таркиби ва уларни саклаш, бошкариш, куриклаш ва тасарруф килиш меросхурларга утиш таркибига утиш шартларини белгилаб берувчи хукукий нормалар йигиндисидан иборатдир.
Мерос хукуки мерос колдирувчининг уз мулкига нисбатан вафотидан кейинги хохиш иродасини, шу билан бирга, унинг хаётлик вактида мерос колдирган мол-мулкка нисбатан булган муносабатининг васиятнома расмийлаштириш йули билан тартибга солади.
Ворислик эса, мерос мулкни маълум шахсларга мерос очилгандан кейин утиш тартиби хисобланиб, конунда унинг икки йули аник белгилаб куйилган. Ворислар конун билан белгиланиб куйилган булади ёки мерос колдирувчи томонидан васиятномада белгиланади.
Ворислар, асосан, мерос колидирувчи билан кариндошлик муносабатларида булган шахслардан иборат булгани сабьабли, мерос хукуки оила ва оилавий муносабатларни мустахкамлашда хам катта рол уйнайди.
Ворислик – ижтимоий муносабатларнинг алохида бир тури хисобланиб, мол-мулкнинг ёки мулкка булган хукук ва мажбуриятларнинг бир шахсдан (мерос колдирувчидан) иккинчи шахсга (меросхурларга) утиши билан боглик. Шунинг учун хам у хаммадан аввал, иктисодий ходиса булиб вужудга келади, иктисодий муносабат сифатида вафот этган шахс мулкининг ёки мулка булган хукук ва мажбуриятларнинг меросхурларга утишини белгилайди. Бу муносабатлар фукаролик конунчилиги коидаларига асосан тартибга солинади.
Демак, ворислик хукуки вафот этган шахснинг хусусий мулкини, мулкий хукук ва мажбуриятларининг бошка шахсларга, яъни меросхурларга утиш шартлари ва тартибини белгилаб берувчи хукукий нормалар йигиндисидан иборатдир.
Ворислик хукуки мерос хукукининг бир кисми сифатида мерос таркибига кирган мол-мулк, мулкий хукук ва мажбуриятларнинг конунда белгилаб куйилган хамда васиятномада мерос колдирувчи томонидан курсатилган шахсларга конунда назарда тутилган ёки мерос колдирувчи томонидан белгиланган шарт ва тартибга утиш коидаларини уз ичига олади.
Ворислик хукуки вафот этган (мерос колирувчи) шахс мулкининг ворисларга утиш билан боглик булган хукукий нормалар йигиндисидан иборатдир.
«Ворислик хукуки, -- деб ёзади Б.С. Антимонов ва К.А. Граве, -- фукаролар вафот этганда уларнинг маълум бир хукук ва мажбуриятларнинг бошка шахсларга утишини белгилаб берувчи фукаролик хукукий нормалар йигиндисидан иборатдир».
Демак, ворислик хукуки мерос хукуки мазмунини тула уз ичига олмасдан, балки унинг бир кисмини факатгина мерос мулкнинг ворисларга утиш шарти ва тартибини белгилайди холос.
Мерос таркибига ашёларгина кирмасдан, балки мерос колдирувчининг бошка жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан булган хар хил конуний талаблари хам киради. Масалан, мерос колдирувчининг олиши лозим булган, лекин ололмай колган иш хаки, муаллифлик хакига булган хукуки ва бошкалар.
Мерос таркибига факатгина талаб килиши хукуки эмас, балки мерос колдирувчининг мулкий мажбуриятлари хам киради.

Демак, ворислик деганда мулкий хукук ва мажбуриятларнинг хам вафот этган шахсдан конунда ёки васиятномада курсатилган шахсларга белгиланган шарт ва тартибга утиши тушунилади.
Мерос ворислик хукуки асосида конунда белгиланган ёки мерос колдирувчи белгилган тартибда ва шартларда тегишли шахсларга – конун буйича мерос меросхурларга ёки васият буйича меросхурларга утиши лозим булган мулкий хукук ва мажбуриятлардан ёки номулкий хукук ва мажбуриятлардан иборат булиб, унинг мерос колдирувчидан меросхурларга утиш тартибини ворислик хукуки белгилайди.
Вафотидан кейин ворислик хукуки асосида мол-мулки ёки мулкка булган хукук ва мажбуриятлари бошка шахсларга утадиган шахслар мерос колдирувчи булиб хисоблангадилар.
Мерос колдирувчи узининг хусусий мулкини, мулкка булган хукук ва мажбуриятларини узи вафот этганидан кейин тасарруф этиш хукукининг кимга утишини амалдаги конунлар асосида белгилаб куйиш буйича фармойиш бериш хукукига эга. Унинг бу хукуки Узбекистон Республикаси Конститутциясининг 54-моддасида белгиланган: «Мулкдор мулкига уз хохишича эгалик килади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади», --деган коидадан келиб чикади.
Мерос колидирувчининг конунга мувофик уз эрки билан белгилаб куйилган шарт ва тартибдаги ворислик васият буйича ворислик дейилади.
Агар мерос колдирувчи уз хусусий мулкининг узи вафот этгандан кейинги такдирини белгилаб куймаган булса, ворислик конун буйича амалга оширилади.
Демак, конунда белгилаб куйилган ёки васиятномада махсус курсатилган мерос колдирувчининг хукук ва мажбуриятларини уз зиммасига олган шахслар -- ворис яъни меросхур хисобланадилар.
Меросхур булиш шахснинг фукаролигига ёки муомала лаёкатига боглик эмас.

**ФКнинг 1118-моддаси: Меросхурлар.**

Мерос очилган пайтда хаёт булган фукролар, шунингдек, мерос колдирувчининг хаётлик пайтида хомила холида булган ва мерос очилгандан кейин тирик тугилган болалари васият ва конун буйича меросхур булишлари мумкин.
Мерос очилган пайтда тузилиб булган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фукароларнинг узини-узи бошкариш органлари хам васият буйича меросхур булишлари мумкин.

Аммо мерос мулкнинг такдирини хал килиш васият буйича амалга оширилиши лозим булган холларда, мерос колдирувчи, албатта, тула муомала лаёкатига эга булиши шарт.
Мерос колдирувчи вафот этган пайтда хаёт булмаган конун буйича ворислар доирасига кирган шахсларнинг хиссалари, одатда, такдим килиш хукуки буйича уларнинг ворисларига утади.
Демак, ворислик хукукининг вазифаси вафот этган шахснинг мулкий хукук ва мажбуриятларни бошка шахсларга меросхурларга утишини конун билан белгиланган тартибда таъминлашдан иборат. Шундай килиб, шахс уз хусусий мулкининг узи вафот этгандан кейинги такдирини узи хаётлигида белгилаш, мероснинг очилиши, меросхурлар доирасини аниклаш, меросни саклаш мухофаза килиш ва бошкариш меросни таксимлаш, меросга булган хукук тугрисида гувохнома бериш, меросдан воз кечиш, мерос мулкдан килинадиган харажатлар, меросни эгасиз деб топиш, бошка мерос мулк билан боглик муносабатларни тартибга солувчи коидаларни назарда тутган мерос хукукини амалга оширишни хукукий кафолати – мерос хукуки институтини ташкил этади.

**Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 1112-моддаси: Ворислик асослари.**

Ворислик васият ва конун буйича амалга оширилади.
Конун буйича ворислик васият мавжуд булмаса ёхуд бутун мероснинг такдирини белгиламаса, шунингдек, ушбу кодексда белгиланган бошка холларда амалга оширилади.

Мулк эгаси узига тегишли булган хусусий мулкнинг такдирини васият буйича хал килмаган ва узи вафот этгандан кейин унинг маълум бир шахс томонидан тасаввур килишини белгиламаган холларда конун буйича ворислик вужудга келади.

Бундан ташкари, конун буйича ворислик: биринчидан, васиятнома кисман ва бутунлай хакикий эмас деб топилган холларда; иккинчидан, мерос мулкнинг хаммаси васият килинмасдан колган такдирда, васият килинмаган кисмига; учинчидан, васият буйича меросхур мерос очилганидан кейин меросни кабул килмасдан вафот этган булса; туртинчидан, васият буйича меросхур меросни олишдан бош тортган ёки ундан воз кечган холларда вужудга келади.

Конун буйича меросхур мерос колдирувчи билан кон-кариндошлик ришталари билан богланган, яъни мерос колдирувчининг оила аъзолари, мехнатга лаёкатсиз, унинг каромогида булган, оила аъзолари булмаган шахслар булишлари мумкин.

Демак, конун буйича меросхурлар булиш учун улар нафакат мерос колдирувчининг расман кон-кариндошлари булиши, шунингдек, амалда хаётда хам якин кишилари булиши керак.

Конун буйича ворислик муносабати билан мерос колдирувчининг хукук ва мажбуриятлари утиш тартиби ва шартлари конунда белгилаб куйилган. Мерос колдирувчининг мол-мулки конунда белгиланган тартибда, микдорда ва навбатда меросхурлар уртасида булинади. Конунда белгиланмаган шахсларга ёки белгиланган тартибни бузиб, мерос мулкни якин кариндошларга ёки бошка якин кишиларга, мерос колдирувчининг карамогида булмаган шахсларга берилиши мумкин эмас. Конун буйича ворислик хукуки мерос колдирувчининг вафоти ёки унинг суд карори билан вафот этган деб эълон килиниши бирданига ва тулигинча меосхурларга утади.

Васият буйича ворислик мерос колдирувчининг эрки билан вужудга келади. Васият буйича ворислик тайинланганда мерос колдирувчининг хукук ва мажбуриятлари меросхурлар уртасида таксимланиши, шунингдек, ворисларни белгилаш факатгина мерос колдирувчининг эрки билан амалга оширилади. Меросдан четлаштириш ёки мерос олишдан махрум килиш факат конунда белгиланган асосларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ворислик асослари конун буйича ворисликда хам, васият буйича ворисликда хам келишув мавзуи булиши мумкин эмас. Аммо хаётда ва хатто, суд амалиётида хам бундай келишувлар булиб туради. Масалан, нотариал тартибда тасдикланган васиятнома асосан фукаро Сотиболдиев узига тегишли булган уй-жойини ва жамгарма банкида сакланаётган омонат маблагини невараси Боходиржонга васият килиб колдирган. Сотиболдиев вафотидан кейин унинг вояга етган болалари судга мурожаат килиб, мерос колдирувчи огир касаллиги сабабли васиятномага имзо килиш имконияти булмаган, васиятнома калбакилаштирилган деган асосда уни хакикий эмас деб топишни сураганлар.Туман судининг ажрими билан иш юритиш бекор килиниб, тарафларнинг мерос мулкни таксимлаш хакидаги узаро келишуви тасдикланган. Иш кассация тартибида курилмаган вилоят судининг раёсати вилоят прокурорининг назорат таркибидаги протестини рад килиб, туман судининг ажримини кучида колдирган. Республика бош прокурорининг уринбосари томонидан келтирилган протести иш буйича всиятноманинг хакикий ёки хакикий эмаслигини аникламасдан туриб, масалани хал килиши мумкин эмаслигини асос килиб, туман судининг ажримини ва вилоят суди раёсати карорининг бекор килиб, ишни кайтадан куришга юбориш тугрисидаги талаби Олий суднинг фукаролик ишлри буйича суд хайъатининг ажрими билан каноатлантирилади.

Мерос хукукининг асосий узига хос белгилари куйидагилардан иборат:

1. Мерос хукуки хусусий мулкни, мулкий хукук ва мажбуриятларни химоя килиш уни мустахкамлаш воситаси хисобланади.
2. Мерос колдирувчи уз вафотидан кейин хам хусусий мулкининг сакланишини, унинг купайишини, ривожланишини, усишини, оилани мустахкамлашдаги омилларини хисобга олиб унинг кимга утишига бефарк карай олмайди.
3. Конун буйича ворислар булиб, асосан, кон-кариндошлик муносабати билан боглик оила аъзолари хамда оила аъзолари булмаган, лекин мехнатга лаёкатсиз ва ёрдамга мухтож мерос колдирувчи карамогида булган шахслар хисобланадилар. Конун буйича ворислар мерос колдирувчига расман ва шу билан бирга амалда хам энг якин кишилардир.
4. Мерос хукуки буйича мерос мулкдан олинадиган хисса эркаклар учун хам, хотинлар учун хам, кайд килинган никохдан тугилган болалар учун хам, фарзандликка олинган болалар учун хам баб-баравардир.

5. Васият буйича мерос колдрилганда меросхурлар доираси кенгайиб, нафакат жисмоний шахсларга, шу билан бирга, ташкилотларга хам берилиши мумкин.
6. Конун буйича ворислар булмаган такдирда ва васият буйича хам меросхур тайинланмаган холларда, мерос мулк суднинг хал килув карори билан эгасиз деб топилиб, давлат ёки фукароларнинг узини-узи бошкариш органи ихтиёрига утади.

Мероснинг очилиш вакти ворислик хукуки асосида мерос мулкни каьбул килиш мероснинг очилиш муносабати билангина амалга оширилади. Конун ворислик хукукий муносабатларининг келиб чикишини мероснинг очилиши билан боглайди шунинг учун хам мероснинг очилиш вакти мухим ва зарур ахамият касб этади.

Ворислик хукукининг вужудга келиши муайян бир ходисанинг содир булиши билан боглик. Бундай ходиса, биринчидан, фукаронинг вафот этиши, ёки иккинчидан, фукаронинг суднинг хал килув карори билан вафот этган деб эълон килиниши хисобланади. Мероснинг очилиши маълум бир вактга вужудга келади.

Мероснинг очилиш вактини тугри аниклаш меросга оид хукукий муносабатларни амалга оширишда гайриконуний харакатларнинг олдини олишга имкон беради. Мероснинг очилиш вактини тугри аниклаш мерос тарикасида утадиган хукук ва мажбуриятларнинг таркибини белгилаш, меросхурларнинг доирасини аниклаш, конун буйича ёки васият буйича белгиланган мерос мулкни кабул килиб олиш ёки ундан воз кечиш, меросга булган хукук тугрисида гувохнома бериш ва киридиторларнинг даъво кузгатиши учун муддатни белгилаш хамда бошка меросга оид хукукий муносабатларни амалга ошириш билан бевосита богликдир. ФКнинг 1116-моддасига асосан мерос колдирувчининг улган куни (зарур булганда пайти хам), у вафот этган деб эълон килинганда эса агар суднинг карорида бошкача муддат курсатилган булмаса, вафот этган деб эълон килиш тугрисидаги суднинг хал килув карори конуний кучга кирадиган кун – мерос очилган вакт деб саналади.

**ФКнинг 36-моддаси: Фукарони вафот этган деб эълон килиш.**

Агар фукаронинг каерда турганлиги хакида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот булмаса, башарти у улим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ходисадан халок булган деб тахмин килиш учун асос буладиган вазиятларда бедарак йуколган булиб, унинг каердалиги хакида олти ой мобайнида маълумотлар булмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофик суд уни вафот этган деб эълон килиши мумкин.

Харбий харакатлари муносабати билан бедарак йуколган харбий хизматчи ёки бошка фукаро харбий харакатлар тамом булган кундан эътиборан камида икки йил утгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон килиниши мумкин.

Суднинг фукарони вафот этган деб эълон килиш хакидаги карори конуний кучга кирган кун вафот этган деб эълон килинган фукаронинг улган куни деб хисобланади. Улим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ходисадан халок булган деб тахмин килиш учу насос буладиган вазиятларда бедарак йуколган фукаро вафот этган деб эълон килинган такдирда, суд унинг тахмин килинган халокат кунини ушбу фукаронинг улган куни деб топиши мумкин.

Фукарони вафот этган деб эълон килиш бундай фукаронинг хукук ва бурчлари борасида унинг улими олиб келиши мумкин булган окибатларни вужудга келтиради.

Никох муносабатлари ёки кон-кариндошлик туфайли бир-бирлари билан богланган шахсларнинг бир вактда вафот этишлари, уларнинг хар бирининг ворислари мустакил равишда ворисликка чакирилишига сабаб булади.

Масалан, автоавария окибатида эр ва хотин бир пайтда халок булдилар. Эрнинг олдинги хотинидан бир боласи ва хотинининг хам олдинги эридан бир болси колган. Нотариус меросни таксимлаганда, аввало улардан колган мол-мулкни Оила кодексининг 23, 25 ва 27-моддалари, хамда никох шартномасига асосан, хар бирининг хусусий, шахсий ва биргаликдаги мулкларини аниклаб, 27 ва 28-моддалар тартибида биргаликдаги мулкдан уларнинг хиссаларини белгилаб, меросни ворислар уртасида адолатли таксимлаш чораларини куради. Чунки эр билан хотин уртасида ворислик хукуки пайдо булмайди.

Уларнинг хар биридан кейин мерос очилгани сабабли хар иккаласининг меросхурлари узларининг, бири отасининг ва бири онасининг мерос мулкига ворис буладилар.

Васиятнома берган шахс билан васиятнома буйича хукук олувчи шахс бир вактнинг узида вафот этган такдирда васият буйича мерос очилмайди. Мерос мулк конун буйича ворисларга утади.

«Б» нотариусга мурожаат этиб, отаси «К»нинг номига бобоси «В»томонидан васият килиб колдирилган енгил автомашина «Жигули»га меросга булган хукуки хакида гувохнома беришни сураган. «К» ва «В» бир пайтда автоаварияда халок булганлари сабабли васият буйича мерос очилмаслиги ва ФКнинг 1116-моддасининг 3-кисмига асосан биридан кейин бошкаси мерос олишга хакли булган шахслар бир календар сутка ичида вафот этган такдирда, мерос уларнинг хар биридан кейин очилиши ва хар бирининг меросхурлари ворисликка алохида чакирилишлари тушунтирилган. Демак, «К»га васият килинган «В» нинг «Жигули» енгил машинаси унинг конун буйича ворисларига утади .

Ворислик хукукуий муносабатларига тадбик этилиши лозим булган конун хужжатларини тугри аниклаш хам мероснинг очилиш вактини аник белгилшга боглик. Чунки меросхурлар доираси хам, мерос муносабатларига тадбик килиш лозим булган конунлар хам мероснинг очилиш пайти билан белгиланади.

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексини амалга киритиш тартиби тугрисидаги 1996 йил 29 август Олий Мажлис карорининг 12 бандида ФКнинг 1112-1157-моддаларида назарда тутилган мерос хукуки нормалари 1997 1 мартгача мерос очилган булиб, аммо меросхурларнинг хеч бири томонидан кабул килиб олинмаган ва мерос хукуки буйича давлат ёки фукароларнинг узини-узи бошкариш органи мулкига утказилмаган меросга нисбатан хам тадбик килиниши белгилаб куйилди.

Демак, 1997 йил 1 мартгача, яъни ФК амалга киритилгангача кабул килиб олинган мерос мулк тугрисида ворислар уртасида ёки бошка шахслар уртасида келиб чиккан низолар амалдаги фукаролик конуни нормалари билан эмас, балки эски фукаролик конунининг мерос хукуки коидаларига асосан хал килиниши керак ФКнинг мерос хукукига доир коидалари 1997 йил 1 мартгача очилган ва кабул килиб олинмаган мерос мулк юзасидан оркага кайтиш кучига эга.

Ворисликка доир хукукий муносабатлар мерос очилган пайтдаги амалда булган конун хужжатлари билан тартибга солинади. Шу сабабдан мероснинг очилиш жойини тугри аниклаш конуннинг хукукий муносабатга тугри тадбик килинишини таъминлайди. Мероснинг ворислар томонидан кабул килиниши мерос мулкни улар уртасида таксимлаш тартибини белгилашда мухим ахамият касб этади.

Мероснинг очилиш жойини аниклаш билан мерос мулкни куриклаш, уни бошкариш, конунда белгиланган тартибда меросга булган хукук тугрисида гувохнома берадиган нотариал идорасини аниклаш, кридиторларнинг талабларини куриб хал киладиган идораларни белгилаш ва бошка мерос очилиш жойи билан боглик масалаларни тугри хал килиш таъминланади.

«Фукароларнинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи, -- дейилади. Фкнинг 21-моддасида, -- унинг яшаш жойи хисобланади. Ун турт ёшга тулмаган вояга етмаганларнинг, (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда булган фукароларнинг конуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда булган фукароларнинг яшаш жойи хисобланади».

ФКнинг 1117-моддасига мерос колдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи деб белгиланган.

Агар мерос колдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум булса, унинг кучмас мулки ёки унинг асосий кисми турган жой, кучмас мулки булмаган такдирда, кучар мулкининг асосий кисми турган жой мерос очилган жой хисобланади.

Демак, мерос колдирувчининг мулки бир неча жойда жойлашган такдирда мерос очилган жой булиб, унинг асосий кисми турган жой хисобланади.

Узининг асосий турар жойидан вактинча бошка жойда – харбий хизматда, укув юртларида, камок жойларида чет элларда яшаб турган шахслар вафот этганда, уларнинг аввал турган доимий турган жойлари мерос очилган жой хисобланади.
Мерос колдирувчининг доимий яшаш жойини уй-жой бошкармалари, махалла кумиталари, фукароларнинг узини-узи бошкариш органи томонидан берилган хужжатларга асосан, уй дафтаридан олинган кучирма ёки паспортидан аниклаш мумкин.
Демак, мероснинг очилиш жойини аниклаш хужжатларга асоан имконияти булмаган холларда, нотариус меросхурлардан мероснинг очилиш жойини белгилаш хакидаги конуний кучга кирган хал килув карорини талаб килиши керак.

13. **Мавзу: Васият буйича ворислик.**
**Режа.**

1.Васият буйича ворислик тушунчаси.
2.Васиятноманинг шакллари.
3.Нотариал тасдикланган васиятнома.

Узбекистон Республикаси Асосий Конуни ( Конститутцияси) нинг 54-модаси фукароларга узининг мулкига уз хохишича эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишни эркин амалга ошириш хукукини беради.
Бу хкук хар бир фукарога узига тегишли булган шахсий ва хусусий мулкини, мулкка булган хукук ва мажбуриятларини узи вафот этганидан сунг тасарруф этиш буйича хохиш-иродасини ифода этадиган фармойиш колдиришни эркин тарзда амалга оширишга имкон беради. Бундай фармойиш васиятнома деб аталади.
Васиятнома узига хос хусусиятларга эга.
Биринчидан, васиятнома васият колдирувчининг шахси билан бевосита боглик. Васиятнома фукаронинг шахсий фармойиши хисобланиб, шахсан васият колдирувчи томонидан тузилиши керак. Бошка шахслар томонидан ишончномага асосан ёки вакил оркали, хатто конуний вакиллар томонидан хам васиятнома тузилишига йул куйилмайди.
Иккинчидан, васиятнома бир томонлама битим хисобланади ва ФКнинг битимлар тугрисидаги коидаларига тула буйунади.
Учинчидан, уз эрки билан уз мулкини васият килиб колдириш хукуки – васият килиш эркинлиги факатгина тула муомала лаёкатига эга булган фукароларга берилган. Муомалага лаёкатсиз деб топилган шахслар узларининг мол-мулкларини васият килиб колдиролмайдилар.
Васият колдирувчининг муомала лаёкати васиятнома тузилган вакт билан белгиланади. Васиятноманинг хакикийлиги хам унинг тузилган вактида аникланади.
Туртинчидан, васиятнома, албатта, конунда белгиланган шаклда ва тартибда тузилиши ва факат конун билан хукук берилган мансабдор шахслар томонидан гувохлантирилган булиши шарт.
Васият колдирувчи факатгина узига тегишли булган мулкни васиятномага киритиши мумкин. Шунинг билан бирга, узига тегишли булган мулкий хукук ва мажбуриятларни, мерос очилиш пайтида унга тегишли булган ёки тегишли булиш эхтимоли булган мулкий хукук ва мажбуриятларни хам васият килиши мумкин.
«Васиятномани тасдиклаб беришда, -- дейилади «Нотариал тугрисида»ги конуннинг 45-моддасида, -- васият килувчидан унинг васият килинаётган мол-мулкка булган хукукини тасдикловчи далилларни такдим этиш талаб клинмайди». Чунки васиятномада курсатилган мулк ёки унга булган хукук ва мажбурият васият килинаётган пайтда васият колдирувчига тегишли булмаган булиши, лекин кейинчалик унга тегишли булиш эхтимолини хисобга олиб, курсатилган мол-мулк ёки унга булган хукук мерос очилган пайтга келиб унга утса, васиятномадаги фармойиш хакикий хисобланади.

Мерос колдирувчи Фкнинг 1120-моддасига асосан фукаро узининг конун билан ман этилмаган хар кандай мол-мулкини ва мулкка булган хукук ва мажбуриятларнинг барчасини ёки унинг муайян бир кисимни, шу жумладан, уй-рузгор буюмлари ва жихозларини хам васият килиб колдиришга хакли.

Агар васият колдирувчи васиятномада узининг барча мулкини васият килиш хакида фармойиш берган булса, унинг хамма мулки, шу жумладан, уй-рузгор буюмлари ва жихозлари хам васият буйича меросхурларга утади.

Васиятномада мол-мулкнинг бир кисми васият килинган такдирда, унинг колган кисим конун буйича ворисларга утади. Бундавй холда васият колдирувчи уй-рузгор буюмлари ва жихозлари хакида , аолхида, уларнинг васият буйича кимга утишини курсатиши шарт. Васият буйича мерос колдирувчининг факатгина мулкий хукуклари утади, мулкий мажбуриятлари эса Фкнинг 1155-моддаси тартибида мерос киймати хисобидан хамма талаблардан олдин имтиёзли равишда кондирилиши лозим.

Мерос колдирувчи узининг карзларини тулашдарн айрим ворисларни кисман ёки тулик озод килишга хакли эмас. Бундай васиятномада куратилган фармойиш хакикий хисобланмайди. Чунки меросхурларнинг хар бири узига теккан мол-мулкнинг киймати доирасида солитар карздорлар сифатида жавобгардирлар.

Васият колдирувчи узига тегишли булган мол-мулкнинг хаммасини ёки унинг муайян бир кисимни хохлаган бирёки бир неча шахсларга васият килиб колдириши мумкин. Васиятнома конун буйича меросхурлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган шахсларга, шу билан бирга, давлатга, фукароларнинг узини-узи бошкариш органларига ёки бошка юридик шахсларга хам берилиши мумкин. Васият колдирувчи узининг васиятномасидаги фармойиши билан конун буйича меросхурларнинг хаммасини, бир нечтасини ёки биттасини меросдан махрум килишга хакли. Бундан ташкари, васият колдирувчи айрим меросхурларнинг хиссаларини купайтириш ёки камайтириш хакида айритм ашёларни маълум бир ворисларга бериш хакида фармойишда курсатиши мумкин. Васият колдирувчи узининг бундай харакатларининг сабабини тушунтириб, изох беришга мажбур эмас. Шу билан бирга, конуний ворисни меросдан махрум килиш бирор шарт асосида хам булиши мумкин эмас. Умуман васиятномани бекор килиш шарти билан васиятнома тузилишига йул куйилмайди. Аммо уни кечиктириш шарти билан васиятнома тузилиши мумкин. Бундай холларда мерос мулк бирданига васият буйича ворисга утмайди ва васиятномада берилган фармойишга кура, маълум бир топширик бажарилгандан кейин утиш тартиби хакида шарт куйилиши мумкин.

Бир ёки бир неча меросхурлар мерос олиш хкукидан махрум килинган такдирда, ворисликни навбат буйича бошка, конун буйича меросхурлар оладилар. Агар хамма ворислар мерос олиш хукукилдан махрум килинган булсалар, мерос мулк Фкнинг 1157-моддаси тартибида суднинг карори билан эгасиз мулк деб топилиб, давлат ёки фукароларнинг узини-узи бошкариш органи эгалигига утади.

Васиятномада ворис сифатида курсатилмаган меросхур васият килинмасдан колган мерос мулкка конун буйича ворис булиш хукукини саклаб колади. Мерос очилмасдан олдин вафот этган ёки меросдан воз кечган васият буйича меросхурга васият килинган мулкни олиш хукуки конун буйича меросхурларга утади. Такдим килиш хукуки васият буйича меросхурлар ворисларга утмайди.

Конун буйича меросхурларнинг мерос олиш хукукидан махрум этилиши, агар васиятномадан бошка хол келиб чикмаса, уларнинг такдим килиш хукуки буйича ворислик киладиган авлодларига нисбатан тадбик этилмайди.

Мерос колдирувчи васиятномада узига тегишли мулкни нафакат кимга мерос килиб колдириши хакида, шу билан бирга, айни вактда, умумий тарзда «хамма болаларимга», «невараларимга» ва хоказо бошкача умумий тарзда, уларнинг конун буйича кайси навбатда меросхур булишларидан катъи назар белгилаб куйишлари мумкин.

Васиятнома сузи икки маънода тадбик этилади. Биринчидан васиятнома – бу васият колдирувчининг эрки хисобланган хужжатнинг узи сифатида тадбик килинса, иккинчидан, васиятнома -- васият колдирувчининг эркини ифода этувчи акт (хужжат) хисобланади.

Бу маънода васиятнома бир томонлама битим булиб уни тузиш учун конун хужжатларига асосан бир тарафнинг,яъни васият колдирувчининг хохиши етарли.
Бошка бир шахснинг карши эркини ифода килиш талабкилинмайди. Шунинг учун васиятноманинг хакикийлиги хеч вакт ворисларнинг розилигига боглик эмас.
Нима учун васиятнома бир томонлама битим деб аталади?

**ФКнинг 101-моддаси: Битимлар тушунчаси.**

Битимлар деб фукаролар ва юридик шахсларнинг фукаролик хукук ва бурчларини белгилаш, узгартириш ёки бекор килишга каратилган харакатларига айтилади.

Демак, васият колдирувчи шахсан узи, уз эрки билан меросхурга узининг хусусий мол-мулкига маълум бир хукукни белгилаб беради. Ворисни меросдан махрум килишга хам унинг сабабини тушунтиришга мерос колидрувчининг мажбур эмаслиги назарда тутилади. «Мерос колидрувчи, -- дейилади Фкнинг 1120-моддаси 7-бандида, -- васиятнома тузилгандан кейин уни истаган пайтда бекор килиш ёки узгартиш борасида эркин булиб, бунда бекор килиш ёки узгартириш сабабларини курсатишга мажбур эмас».
Бунинг учун факат конунда белгиланган шакл ва тартибга риоя килиш талаб килинади, холос.
Бунинг учун факат конунда белгиланган шакл ва тартибга риоя килиш талаб килинади, холос.
Васият буйича меросхур факат мерос очилгандан кейин меросдан воз кечишга ёки меросни кабул килиб олмасликка хакли.
Васиятнома тузган шахс узининг мол-мулкига эгалик иклиш ундан фойдаланиш ва уни тасарруф килиш билан боглик хамда харакатларни амалга ошириш хукукини саклаб олади. Бунинг учун васиятномани тулигича ёки кисман бекор килиш, унинг мазмунини узгартириш шарт эмас. Васиятномада белгилаб куйилган алохида ашёларни маълум бир меросхурга бериш хакидаги фармойиш хам мерос очилгунга кадар у шахс учун хеч кандай хукук тугдирмайди.

Васиятнома хар бир алохида олинган шахснинг айнан узининг харакати хисобланади. Шунинг учун хам васиятнома икки ва ундан ортик шахслар томонидан биргаликда бирданига тузилиши мумкин эмас.

Васиятноманинг хукукий ахамиятини хисобга олиб, конун унинг шаклига алохида эътиборни каратган. Фкнинг 1124-моддасида васиятноманинг ёзма шакли белгиланиб, унинг ёзилаган жойи ва вакти курсатилиши шарт килиб куйилган.

**ФКнинг 1130-моддаси: Васиятноманинг хакикий эмаслиги.**

Тегишли шаклда тузилмаган васиятнома хакикий эмас. Васиятноманинг хакикий эмаслиги ушбу кодекснинг битимлар хакикий эмаслиги тугрисидаги коидаларга хам асосланади.
Васиятноманинг хакикий эмас деб топилишидан мулкий окибатларга эга буладиган шахснинг даъвоси буйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиклашнинг ушбу кодексда белгиланган тартиби бузилиши натижасида хакикий эмас деб топилиши мумкин.
Васиятномадаги айрим фармойишларнинг хакикий эмаслиги васиятноманинг колган кисми хакикийлигига дахл килмайди.
Васиятнома хакикий эмас деб топилган такдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан махрум булган меросхур умумий асосларда мерос олиш хукукига эга булади.

Нотариал тасдикланган васиятномалар ва нотиариалтасдикланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ёзма шаклда тузилган васиятномалар хисобланадилар.

Васиятнома васият килдирувчининг жисмоний нуксонлиги, касаллиги ёки саводсизлиги окибатида васиятномани уз кули билан ёзиб имзолаш имконияти булмаганда унинг илтимосига кура бошка шахс томонидан ёзилиб, имзоланиши мумкин. Бундай холларда, албатта, васиятномани гувохлантирувчи нотариус ёки конун билан васиятномаларнинг гувохлантириш хукуки берилган мансабдор шахснинг иштирокида васиятнома васият килдирувчининг уз кули билан ёзиб, имзолай олмаганлигининг сабаблари курсатилиши шарт.

«Нотариат тугрисида»ги конуннинг 30-моддасига асосан нотариал хзаракатлар нотариат идораси ёки фукароларнинг узини-узи бошкариш органи жойлашагн бинода амалга оширилиши керак, фукаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошка сабабларга кура давлат нотариал

идорасига, фукаролар йигини раиси (оксокол) ёки хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус хузурига бора олмайдиган айрим холларда нотариал харакатлар мазкур фукаро турган жойида амалга оширилиши мумкин.

Васиятномани васият килувчининг урнига имзолаши ман килинган шахсларнинг тизими Фкнинг 1124-моддасида белгилаб куйилган. Куйидаги шахслар васият килувчининг урнига васиятномани имзо килишлари мумкин эмас:

- нотариус ёки васиятномани тасдиклаш хукуки берилган мансабдор шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган булса, уша шахс, унинг эри (хотини), балалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари;
- васият килувчининг конун буйича меросхурлари;
- тулик муомала лаёкатига эга булмаган фукаролар;
- саводсизлар ва васиятномани укий олмайдиган бошка шахслар;
- ёлгон гувохлик берганлик учун мукаддам судланган шахслар.

«Нотариат тугрисида»ги конуннинг 37-моддасига биноан, нотариуслар уз номига ва уз номидан, хотини (эри), номига хамда унинг номидан, хотининг (эрининг) ва узининг кариндош - уруглари (ота-онаси, болалари, набиралари, тугишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва хомийлик туфайли богланган шахслар номига хамда уларнинг номидан, шунингдек, мазкур давлат нотариат идорасининг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуснинг кул остида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал харакатларни амалга орширишга хакли эмас.

Огзаки шартномалар тузиш, хар хил техник воситалар ёрдамида (масалан, магнитофонга, видеотасмага ёзилган) васият колдирувчи сузидан булса хам ёзиб олинган васиятномалар хакикий хисобланмайди ва бундай тартибда тузилган васиятномаларнинг хакикийлигини гувохлар курсатмалари ёки бошка далилларга асосан суд йули билан хам тасдиклашга йул куйилмайди.

Туман судининг 1997 йил 8 октярдаги хал килув карори билан мерос колдирувчининг кичик угли «Г» нинг уз акаси «Б»га нисбатан кузгатилган даъвоси каноатлантирилиб, оталаридан мерос колган «Москвич» автомашинасини оталари хаётлигида «Г»нинг фойдасига оилавий маслахатда «кичик углимга васият килдим» деган огзаки гапи асос килиб олинган.

Суднинг бу хал килув карори гайриконуний булганлиги сабабли «Б»нинг шикоятига асосан вилоят суди томонидан бекор килинган.

Васиятнинг тузилиш вакти ва жойини белгилаб куйиш амалиётда катта ахамият касб этади.

Мерос очилгандан кейин меросхурлар уртасида низо чикканида, биринчидан, мерос колдирувчининг васиятнома тузганидан муомала лаёкатига эга булмаганлиги, харакатларининг окибатига кузи етмаганлиги;

Иккинчидан, икки ёки ундан ортик васиятнома мавжуд булганда, улардан кайси бири хакикий эканлигини белгилаш, кайси бири олдин ва кайси бири кейин тузилганлигини аниклаш курсатилган вактда васият колдирувчи имзо куйиш имкониятига эга булган ёки булмаганлигини исботлаш учун зарур булади.

Конунда белгиланган тартиб ва коидаларга риоя килган холда тузилган васиятномалар хакикий булиб саналиб акс холда, низога сабаб булади. Бундай низолар суд томонидан курилганда, фукаролик – процессуал конунда йул куйилган далиллар, исботлаш воситаларидан фойдаланиб, мерос колдирувчининг вафот этиш олдидаги эрки, хохиш-иродаси ифода этилганлиги ва огзаки килинган васиятнинг хакикийлиги суд йули билан тасдикланган такдирда, масала ижобий хал килиниши керак, деган фикр адолатли булур эди.

Амалиётда шундай ходисалар учрайдики, васият колдирувчи бир неча маротаба узининг васиятномасини тузиб колдиради. Унинг кайси бири хакикий эканлигини аниклаш учун васиятноманинг тузилиши вакти асос илиб олиниши керак. Кейинги тузилган васиятнома аввалги васиятноманинг бекор булиши учун асос булади. Васиятноманинг тузилган вакти унинг нотариал тасдикланган вакти билан хисобланади.

Конунда назарда тутилган васиятнома шаклига доир асосий талабларнинг васиятнома нотариус томонидан тасдикланган булиши ва нотариал тасдикланган васиятномага тенглаштирилган булишидир. Ёзма шаклдаги васиятномалар факат конунда белгиланган шаклда расмийлаштирилиб, тасдиклангандагина хакикий хисобланади.

Васиятноманинг сир сакланиши. Амалиётда мол-мулкни васият килиб колдириш каридошлар олдида улар билан муносабатларда нокулайлик тугдиради. Шу сабабдан конун (Фкнинг 1128-моддаси) васиятноманинг сир сакланишини назарда тутади. Конун васиятноманинг сир сакланишини таъминлаш учун етарли чоралар ва тадбирлар белгилаб куйган.

«Нотариат тугрисида»ги конунинг 6-моддасига асосан амалга оширилган нотариал харакатлар тугрисидаги маълумотномалар факат суд, прокуратура ва тергов органларининг талабига асосан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Васиятнома тугрисидаги маълумотлар васият килувчининг вафотидан кейингина берилиши мумкин.

«Нотариус, васиятномани тасдикловчи бошка мансабдор шахс, шунингдек, васият килувчининг урнига васиятномани имзолаган фукаро, -- дейилади Фкнинг 1128-моддасида, -- мерос очилгунга кадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор килиниши ёки узгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор килишга хакли эмас».

Шунинг билан бирга, хатто, васиятноманинг борлиги хакида хам маълумотни ошкор килишга хеч кимнинг хакки йук.

Хизмат вазифасини бажариш муносабати билан нотариал харакатлар хакида узига маълум булган маълумотларни хар кандай мансабдор шахс хам ошкор килишга хакли эмасдир.

Бундай шахслар конунда белгиланган тартибда васиятнома сирларини ошкор килганликлари учун тегишли тартибда жавобгар буладилар.

Васиятномани сир саклаш хакидаги конун талаблари васият колдирувчи учун хам мажбурийдир. Васият колдирувчининг узи васиятнома хакида ошкора айтишга ва уни бошкаларга курсатишга хакли, аммо нотариал идорасига васиятномани ошкор килишга фармойиш беришга хакли эмас.

Васиятнома факат мерос очилган пайтдан бошлаб кучга киради. Васиятноманинг тузилишидан унинг кучга киришига кадар анча вакт утиши мумкин. Конун бу муддатни чегаралаб куйган эмас.

Агар васиятнома васият килдирувчи томонидан узгартирилмаган ёки бекор килинмаган булса, у канча вакт утишидан катъи назар, амал килади. Васият колдирувчи узининг васиятномада изхор килган иродасини хохлаган вактда узгартиришга ва бекор килишга хакли экан, бу хакда, айникса, меросхурлар хабар топмаслиги максадга мувофик. Шунинг учун васиятноманинг мавжудлигини хизмат вазифасини бажариш муносабати билан билган шахслар унинг мазмуни хакида, тузилиши, бекор килиниши ёки узгартирилиши хакидаги маълумотларни сир саклашга мажбурдирлар. Васиятноманинг тузилганлиги, узгартирилганлиги ёки бекор килинганлиги маълум бир гурух шахсларга маълум булади. Нотариус конун билан нотариал харакатларни амалга ошириш ваколати берилган шахслар васият колдирувчи урнига васиятномани имзо килган шахслар васиятнома хакида ахборотга эга булган шахслар булиши мумкин.

Бу шахслар мерос очилгунга кадар васиятноманинг мавжудлиги ва унинг мазмун хакида хеч кимга, шу жумладан, меросхурнинг узига хам ошкор килишга хакли эмаслар.

Васиятнома тузувчи унинг мазмуни билан танишиб чикмасдан тасдиклашни нотариусдан талаб килиш хкукига эга бундай васиятномалар махфий васиятномалар булиб хисобланади. Махфий васиятнома хакикий саналмаслиги хавфи остида васият колдирувчининг уз кули билан ёзилиши, имзоланиши ва икки гувох хамда нотариус иштирокида конвертга солиниб елимланиши лозим. Елимланган конвертнинг устида гувохларнинг исми, отасининг исми ва фамилиялари, уларнинг доимий турар жойлари тулик ёзилиб, улар томонидан имзоланиши керак. Гувохлар имзоланган бу конверт хам уларнинг ва нотариуснинг иштирокида бошка конвертга солиниб, нотариус томонидан елимланиб унинг устига тасдиклаш уст хати ёзилиши керак.

Узбекистон Республикасининг «Нотариат тугрисида»ги конунунинг 23-моддасига асосан васиятномаларини тасдиклаш давлат нотариал идораларида ишловчи неотариуслар, Узбекистон Республикаси чет эллардаги консуллик муассасаларининг консуллари (28-модда), шахарчалар, кишлоклар ва овуллар фукаролар йигинларининг раислари (оксоколлари) (25-модда), шунингдек, хусусий амалиёт билапн шугулланувчи нотариуслар (24-модда) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Васиятноманинг гувохлантириш вактида нотариус васиятномани гувохлантиришни сураб мурожаат килган шахснинг муомала лаёкатини ва унинг шахсини белгиланган тартибда аниклаши;бундан ташкари, васиятнома васият колдирувчи томонидан уз кули билан куйилганини текшириб, шунга ишонч хосил килиши керак. Лекин коида тарикасида васиятнома нотариус ёки нотариал харакатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахснинг хузурида ёзилиши ва имзоланиши керак.

Васият колдирувчининг жисмоний камчиликлари ва саводсизлиги окибатида узи уз кули билан ёзиш ва имзо куйиш имкониятига эга булмаган такдирда, нотариус ёки нотариал харакатларни амалга ошириш хукуки берилган мансабдор шахс томонидан уни нг сузларидан ёзиб олиниши мумкин. Бундай холларда, албатта, васиятнома матни васият колдирувчига укиб берилиш шарт ва бу хакда васиятномага алохида белги килиб куйилиши керак. Агар саводсиз васият колдирувчининг кулоги кар, тили гунг ёки хам кар, хам гунг булса, васиятнома гувохлантирилаётганда уларга тушунтира биладиган шахснинг иштироки таъминланиийши ва у узининг имзоси билан васиятноманинг мазмуни васият колдирувчининг эркига тугри келиши гувохлантириши керак. Бу харакатларнинг хаммаси, албатта, васиятноманинг гувохлантирувчи нотариуснинг ёки нотариал харакатларнинг амалга ошириш хукукига эга булган мансабдор шахснинг иштирокида булиши шарт. Васиятнома факат васият колдирувчи хузурида тасдикланиши лозим.

Васиятнома васият колдирувчининг сузи билан нотариус томонидан ёки васиятномани гувохлантираётган мансабдор шахс томонидан техник воситалар ёрдамида, ёзув машинкаси, компьютердан фойдаланган холда амалга оширилиши мумкин.

Бундай васиятногмалар хам, албатта, васият колдирувчи томонидан васиятномани гувохлантирувчи нотариус ёки бошка мансабдор шахс хузурига имзо килиниши керак. Имзолашдан олдин васият колдирувчи васиятномани тасдикловчи нотариус ёки васиятнома тасдиклаш хукукига эга булган мансабдор шахс олдида васиятномани матнини тулигича укиб чикиши ва ундан кейин имзо килиши керак.

Васият колдирувчининг хохишига кура, васиятномани гувохлантириш хохлаган нотариал идорасида амалга оширилиши мумкин. Башарти, васият колдирувчи томонидан олдин, бошка нотариал идорасида васиятнома расмийлаштирилган булса, уни бекор килиш ёки узгартириш хакида биринчи васиятномани гувохлантирган нотариусга мурожаат килиш шарт эмас. Аммо васиятномани иккинчи маротаба гувохлантираётган нотариус бу хакда биринчи васиятномани гувохлантирган нотариуга хабар бериши шарт.

Васиятномани гувохлантираётган вакт, уни тузиш вакти булиб саналади. Васиятноманинг нотариал тасдикланган шаклига риоя килмаслик унинг хакикий эмас деб топилиши учун асос булади.

Нотариал идорраларида тасдиклаш имконияти булмаган холларда Конунда назарда тутилган тартибда мансабдор шахслар томонидан васиятноманинг тасдикланишига йул куйилади. Бундай васиятномалар нотариал тартибда тасдикланган васиятномаларга тенглаштирилади. Конунда васиятномаларни тасдиклаш хукукига эга булган мансабдор шахсларнинг аник руйхати берилган. Шу билан бирга, кандай холатларда уни амалга оширишга рухсат берилиши хам аник белгиланган. Бу коидани кенг талкин килишга йул куйилмайди. Конунда назарда тутилган мансабдор шахслардан бошка хеч ким васиятномани гувохлантиришга хакли эмас.

Васиятномани тасдиклаш хукуки берилган мансабдор шахснинг шахсан узи васият колдирувчининг шахсини аниклаши, унинг муомала лаёкатига эга эканлигини, васиятнома

хакикатдан хам васият колдирувчининг уз кули билан ёзилиб, имзо килинганлигини аниклаб, шунга ишонч хосил этиши шарт, шундан кейингина васиятномани гувохлантириш мумкин.

«Нотариат тугрисида»ги конунинг 27-моддасига асосан мансабдор шахслар тмонидан тасдикланган васиятномалардан битта нусхаси васият килувчи доимий яшайдиган давлат нотариал идорасига саклаш учун юборилиши шарт.

Давлат нотариуси саклаш учун келиб тушган васиятномани текшириб, унинг шакл ва тартиб жихатидан конунга мувофик тузилганлигини аниклайди, номувофиклиги аникланганда, бу хакда васият килувчига ва васиятномани тасдиклаган мансабдор шахсга хабар килиши керак.

Амалиётда бундай васиятномалар васият килувчи томонидан беосита вафоти олдидан тузилган булади. Низо чикканда уларнинг хакикийлиги факат мсерос очилганда суд томонидан хал килинади.

**ФКнинг 1126-моддаси: Нотариал тасдикланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.**

Куйидаги васиятномалар нотариал тасдикланган васиятномаларга тенглаштирилади:

касалхоналар, госпиталлар, бошка стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки кариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фукароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошка даволаш муссасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари буйича уринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошликлари, кариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

фукароларнинг Узбекистон Республикаси байроги остидаги кемаларда сузиб юрган вактидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

кидирув экспедициялари ёки шу каби бошка экспедициялардаги фукароларнинг ана шу экспедициялар бошликлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

харбий хизматчиларнинг, нотариуслар булмаган ерларда жойлашган харбий кисмларда эса, бу кисмларда ишлаётган харбий булмаган фукаролар, уларнинг оила аъзолари ва харбий хизматчилар оила аъзоларининг хам харбий кисмларнинг командирлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

озодлидан махрум этиш жойларида ёки камокда сакланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошликлари томонидан тасдиланган васиятномалари;

нотариус булмаган ахоли пунктларида яшаётган шахсларнинг конунга мувофик нотариал харакатларни амалга ошириш хукукига эга булган мансабдор шахслар томонидан тасдикланган васиятномалари

14. Мавзу: **Конун буйича ворислик.**

**Режа.**

1.Конун буйича ворислик тушунчаси.
2.Ворисликка  чакирилиш навбатлари.
3.Мерс колдирувчининг мехнатга лаёкатсиз бокимлари.

Мерос колдирувчи узининг хусусий мулкини узи вафот етгандан кейинги такдирини узи белгилаш хукукига эга . Аммо конун билан бир катор шартлар белгиланиб куйилганки, мерос колдрувчи уларни узгартириш хукукига эга эмас. Шу билан бирга ,конун билан белгиланиб куйилган меросхурлар борки, уларнинг хам меросга булган хукукларини конун химоя килади ва мерос колдирувчи бундай меросхурларнинг конунда белгиланган мерос улушларини камайтиришга ёки уларни умуман мерос олишдан махрум кила олмайди.
Конун буйича ворисликни амалга ошириш учун конунда мерос колдирувчи Билан кариндошлик муносабатида булган ва мерос колдирувчининг карамида ,унинг бокимида булган мехнатга кобилиятсиз шахслар хисобга олинади .
Демак,конунда белгилаб куйилган шарт ва тартибда ,мерос колдирувчи томонидан узгартирилмаган ворислик конун буйича ворислик дейилади.
ФКнинг 1134-моддасигаасосан,конун буйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари бир тарафдан, фарзандликка олувчи ва унинг кариндошлари иккинчи тарафдан тугишган кариндошларга тенглаштириладилар .
Демак, вояга етмаган болалар –фарзандликка  олинганлар уларнинг авлодларига нисбатан шахсий ва мулкий хукук хамда мажбуриятларда тенг хисобланадилар, мерос олиш хукукидан тенг фойдаланадилар.
